Покиза, самимий севги ва севгида садоқат, ҳижрон аламлари, вафо ва дўстлик аҳди, шафқат ва меҳр, халққа, ватанга муҳаббат, инсонни севиш, халқлар дўстлиги, инсоф ва адолат, меҳнатсеварлик, ҳунар ўрганиш, илм-маърифат эгаллаш ва уни халқ

хизматига кўйиш, одоб ва тавозеъ, ҳалоллик ва саховат, тўғрилик, табиат инъомларидан ўринли баҳраманд бўлиш, ҳиммат, саховат ва қаноат, юрт тинч осудалиги, мамлакат ободонлиги, халқнинг маъмур ҳаёт тарзи масалалари шоир шеърятига мавзу бўлиб кириб келди.

Алишер Навоий ўзидап кейин яшаб ижод этган Бобур, Фузулий, Машраб, Нодира, Увайсий, Огаҳий, Мунис, Амирий, Муқумий, Завқий, Фурқат, Ҳабибий, Чустий, Эркин Воҳидов каби ғазалнавис шоирларнинг ижодларига жуда катта таъсир кучини кўрсатганлиги бизларга маълум. Айниқса, турли асрларда яшаб, ўзларидан халққа ўлмас мерос қолдирган ижод аҳлларининг улкан намояндалари орасида Навоий асарларидан илҳомланганлари талайгина.

Навоийнинг ғазаллари асрлар давомида шаклланган мумтоз мусиқа жанри ҳисобланмиш мақомларнинг ашула йўлларида, ҳофизларимиз ижроларида янграб, авлоддан-авлодга сайқал топиб ўтиб келмоқда. Айниқса, XIX-XX асрларда яшаб ижод этган ҳофизи созанда ва бастакорлар ижодидаги асарларни тинглаганимизда бунга амин бўламиз. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Ҳофиз, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Имомжон Икромов, Ҳожихон Болтаев, Дони Зокиров, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, Фахриддин Содиқов, Жўрахон Султонов, Комилжон Отаниёзов, Орфхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев кабилар бунга мисолдир.

“Гулузорим”, “Қаро кўзим”, “Кошки”, “Жоним менинг”, “Муножот”, “Чўли Ирок”, “Суворийлар”, “Кўрмадим”, “Эй сабо”, “Топмадим”, “Наззора қил”, “Истадим”, “Кезарман”, “Ўлмасун”, “Ўйнар”, “Қоши ёсинму дейин”, “Бўлмиш”, “Қаро бўлибдур”, “Фош ўлсун” каби аллақачонлар халқимизнинг маънавий мулкига айланган умрбоқий наволар, Навоий ғазаллари билан айтилади.

Ҳозирги давримизда ҳам бу каби ижодий ишлар етук санъаткорлар, ҳофизлар, бастакорларимиз томонидан давом этаётганлиги Навоий бобомизнинг руҳларини шод этмоқда. Айниқса, Ўзбекистон давлат консерваторияси, “анъанавий ижрочилик” кафедраси профессор-ўқитувчиларининг ижодий ишларида Навоий ғазалларига тез-тез мурожаат этишлик одатий тусга айланган.

Улуғ шоиримиз Алишер Навоий ҳам ўқитувчи меҳнатини холисона баҳолаб, “Агар шогирд подшоликка эришса ҳам унга

(муаллимга) куллуқ қилса арзийди”. “Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, айламак бўлмас адо онинг ҳаққин юз ганж ила” каби сатрларни битган.

Алломаларимиз томонидан билдирилган қимматли фикрлари ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шунингдек, таълим жараёнида ўқитувчи шахси, унинг касбий хусусиятлари борасидаги фикрлари атрофлича баён қилинган.

Ўқитувчининг ўрни ва унинг вазифалари ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига жамият ва жамоатчилик томонидан эътибор қаратилишининг нақадар муҳим аҳамиятга эгаллиги билан белгиланади. Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог бўлмаслиги мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга солиш, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланишни билиши зарурдир.

БУДАРИНА А.Г.
*старший преподаватель кафедры
истории музыки и критики*

О роли музыки в спектакле «Семь лун» театра «Ильхом»

Наследие Алишера Навои привлекало внимание музыкантов во все времена. Как отмечает каждый исследователь творчества великого творца, псевдоним Навои, избранный поэтом, музыкален, что подчёркивает особый характер его поэтического стиля. Нельзя переоценить влияние и значение Навои на развитие музыкального искусства.

В наши дни поэзия великого мастера слова так же созвучна духовным поискам творческих людей как и его современникам. Интересно отметить, что за последние годы сразу несколько театральных коллективов, пришли к идее воплощения образов Навои. Это спектакли Молодёжного театр, театра исторического костюма «Чархпалак» и , наконец, театра «Ильхом». При этом пужно заметить, что эти коллективы в качестве своей основной целевой аудитории видят преимущественно молодых слушателей, то есть в поисках тем, интересных и способных увлечь молодёжь, постановщики различных по своим эстетическим поискам коллективов независимо друг от друга обратились к

вечным ценностям, заключенным в гениальной поэзии Навои. Значительным событием культурной жизни Узбекистана стал спектакль «Притча о Любви Дарованной» Молодёжного театра Узбекистана, поставленный по поэме «Лисон ут-тайр» сценическая версия которого появилась в 2007 году. Ярким подтверждением значимости творчества Навои для современной молодёжи служит то, что в 2010 году сразу два таких разных театральных коллектива, как театры «Ильхом» и «Чархпалак» дали свою трактовку бессмертному сюжету из четвёртой поэмы «Хамсы» – «Сабъаи сайёр»⁶⁰. Оба прочтения несут современное видение вечного сюжета, но преломленное через призму специфики каждого из театров. В обоих велика роль музыки. У «Чархпалака» – это этнографическое действо, где ведущим компонентом является костюм. «Ильхом» же представил остросовременный спектакль в новом театральном жанре *саундрамы*. На этом спектакле мы хотим остановиться особо, делая акцент на роли музыки в нём.

Термин *SoundDrama* непривычен для нашего слуха. Лучше обратиться к пояснениям к его автору – московскому режиссёру Владимиру Панкову, осуществившему эту постановку со своими коллегами из театра, носящего такое название: «Время покажет, жанр это, или нет. *SoundDrama* – это когда один звук рождает другой, когда каждый актер становится музыкальным инструментом, когда вся драматургия раскладывается по музыкальной партитуре. В *SoundDrama* входят все жанры, мы играем, жонглируем ими. Можем из оперы перейти в джаз, из джаза – в рок <...> В то же время, это жесткая форма: актер должен уложиться в определенный срок. О *SoundDrama* можно многое говорить, но лучше ее увидеть. И нам особенно интересно экспериментировать именно здесь, на соединении разных языков и культур, когда на площадку выходят актеры и прекраснейший ансамбль «Омнибус». И в какой-то момент перестаешь понимать, где актер, а где музыкант...»⁶¹

⁶⁰ Переводы этого многозначного названия могут быть различными. Чаше всего встречаются варианты «Семь скитальцев», «Семь планет», иногда «Семь дворцов». Постановщики ильхомовского спектакля остановились на варианте «Семь планет», возможно, подчеркивая идею рассредоточения главного женского образа луноликой красавицы в семи воплощениях, исполняемых семью актрисами.

⁶¹ http://omnibusensemble.asia/index.php?option=com_content&view=article&id=210:seven_moons&catid=52:2010-07-09-19-11-57&Itemid=89

Идея совместной постановки родилась у художественного руководителя театра «Ильхом» Бориса Гафурова и композитора и руководителя ансамбля «Омнибус» Артёма Кима после знакомства с проектами московского театра SoupDrama. Именно А.Ким, музыкант настолько же тонкий и глубокий, насколько разносторонний, ориентированный на творческий эксперимент – и, видимо, это не случайно – предложил обратиться к творчеству великого узбекского поэта. Также, на мой взгляд, не случайно выбор театра остановился на поэме «Сабъаи сайёр». Ведь главная героиня поэмы – певица и музыкантша Дилором. Она служит олицетворением искусства, той силы, которая даёт герою осознание своих заблуждений и через тяжёлые нравственные терзания приводит его к выходу из замкнутого круга собственных ошибок, примиряет противоречия, устанавливает желанную гармонию.

Среди прекрасных героинь Навои, Дилором в наибольшей степени связана с искусством, даже, конкретнее, с музыкой. В образе изысканной и тонкой китайки можно увидеть отражение культурных контактов Средней Азии и Китая, существовавших с давних времен. Легенда о Ван Чжаоцзюнь, «красавице из юрты», одной из знаменитых классических «четырёх красавиц Китая», служит подтверждением этому. Музыкальное искусство Китая находилось на высочайшей ступени развития, существовала специальная женская школа, своего рода музыкально-танцевальная академия, называемая «Грушевый павильон», где проходили обучение певицы, музыканты и танцовщицы. Слава о них гремела по всему Востоку. Красавица Ван была настолько горда и уверена в своей красоте, что когда император прислал художника сделать портреты всех наложниц своего гарема, она не пожелала подкупить его, чтобы он приукрасил её своим портретом, подобно остальным девушкам. В результате, разозлённый художник изобразил Ван безобразной. Когда же императору нужно было выбрать наложницу в подарок предводителю северных варваров, его выбор пал на Ван Цжаоцзюнь. Лишь при отправке её из дворца он впервые сам увидел красавицу, но было поздно и рыдающая Ван отправилась в далёкую страну.

Из четырёх знаменитых красавиц именно Ван Чжаоцзюнь всегда изображалась с музыкальным инструментом



По преданию, Ван Чжаоцзюнь во время путешествия очень сильно тосковала по родному краю. Мимо пролетал гусь и услышал, как она напевает песню, полную скорби и печали, подыгрывая себе на китайской лютне. Гусь, которому передалось настроение девушки, перестал махать крыльями и упал на землю.



Выйдя замуж, Ван Чжаоцзюнь всю жизнь провела среди гуннов. Она получила титул княгини и стала распространителем

китайской культуры. Ван Чжаоцзюнь воспитала детей, которые продолжили дипломатические отношения кочевников с Китаем. Она способствовала укреплению и развитию межнационального мира.⁶² Вероятно, слава о талантливых певицах из Китая гремела по всему Великому Шёлковому пути.

Образ красавицы-музыкантши для поэтов Востока стал символом той власти, которую искусство имеет над человеком. Неудивительно, что этот сюжет привлекал многих музыкантов: вспомним балет «Сухайль и Мехри» М.Левиева, оперу «Дилором» М.Ашрафи – этапные произведения узбекской музыки. И вот новая попытка воплощения классического сюжета. Чем же увлек Навои современных театральных деятелей из разных стран, и настолько, что это вылилось в замечательную, трогательную и пронзительную притчу о вечных человеческих ценностях? На наш взгляд, здесь можно увидеть определённый параллелизм, историческое осмысление проблемы Восток-Запад в культуре, ставшей особенно актуальной в последние десятилетия. Как Дилором поражала сердца чужеземцев своим искусством, так ташкентский театр в сотрудничестве с московским сумел произвести поистине магическое воздействие на зрителя, продемонстрировав высокий уровень профессионализма, актёрской и музыкальной культуры. Можно видеть в этом сотрудничестве отражение культурных контактов, с древности сопутствующих торговому на Великом Шёлковом пути, контактов, служащих мощным импульсом взаимного развития искусства и культуры.

Работа над спектаклем проходила в три этапа: сбор информации, фиксация впечатлений, кристаллизация ощущений. Постановочная группа познакомилась с узбекской национальной музыкальной культурой: были прослушаны самые разные коллективы из различных регионов Узбекистана. Это было прикосновение и постижение подлинной узбекской классической музыки. Что касается языка, были приглашены специалисты по староузбекскому, навоиведы, которые вместе с актерами изучали музыку, мелодию и ритм языка.

В спектакле «Семь лун» музыка становится важным действующим лицом, наряду с живыми людьми, которых подчас труд-

⁶² См. Путь к Заоблачным Вратам. М., 1988. С. 573.

но определить по амплуа: кто перед нами – актёр или музыкант. Всё здесь синкретично, всё – взаимосвязано. Здесь нет места традиционным предубеждениям, что актёр должен быть «в образе», а музыкант должен только сопровождать этот образ звуками. Исполнители, давно и хорошо известные своим мастерством, такие, как Ботир Досимбетов (най) и Шавкат Матъякубов (сато) вдруг раскрывают свой актёрский потенциал, непосредственно участвуя в танцевальных мизансценах и исполняя вокальные номера. Незаурядный артистизм, всегда присущий виртуозным исполнителям на ударных инструментах Алибеку Кабдурахманову и Андрею Степанову также реализуется не только в привычной для музыкантов звуковой плоскости, но и в пластических решениях. Скрипачки Гузаль Тажиккулова и Виолетта Федотова вообще становятся, наряду с профессиональными актрисами, одними из многочисленных воплощений главного женского образа, который словно распадается на семь ликов – именно столько актрис играют одновременно главную героиню. Не случайно, думается, именно исполнительницы на струнном инструменте становятся дополнительными воплощениям Дилором, ведь она была не только певицей, но и прославленной лютнисткой. Стараются не уступать музыкантам и актеры – они поют, танцуют, извлекают шумовые звуки из простых предметов.

Словом, действительно, звук – саунд – становится драмой. Музыкальное решение спектакля, осуществленное московским композитором Сергеем Родюковым при участии Артёма Кима органично сочетает три стилевых пласта. Это традиционная узбекская музыка, современный авангардный пласт и, наконец, комплекс, связанный со сниженной стилистикой бытовой, развлекательной, что называется, популярной музыки. Удивительно, как столь различные, можно сказать, полярные образные сферы не только не вступают в противоречие, но прекрасно дополняют, как бы досказывают друг друга. В целом это многообразие не только не создает неприятной стилистической пестроты, но, напротив, придает повествованию глубину и многомерность, многоплановость высказывания. Словно национальная сущность (воплощаемая звучанием узбекских инструментов, най и сато) и современность (сонорика), сфера легкой популярной музыки (бит ритм-секции) выступают в неразрывном единстве, создавая

ощущение вечности, всеобщности и непреходящей актуальности поднимаемых этических проблем. Условно говоря, первый из упомянутых пластов создает атмосферу национального в спектакле, второй передаёт напряжённую духовную жизнь героев, третий же направлен на передачу внешнего мира, созвучного сегодняшнему дню. Так передаётся триединство современной жизни, невозможной без национальных корней, насыщенной интеллектуальными и эмоциональными исканиями, протекающей в звуковой атмосфере, пронизанной самыми разноплановыми музыкальными проявлениями.

Действительно, как говорил режиссер спектакля Владимир Панков, сам по образованию музыкант, исполнитель, владеющий самыми различными инструментами, и фольклорист: «При создании спектакля мы должны слышать не только музыку, мы должны слышать партнера. Важно уметь ловить акцент. Как в большом оркестре. И вот здесь артисты начинают эту ткань создавать <...> Благодаря нашей какой-то судьбе, мы сталкиваемся с музыкой непосредственно. А музыка это и есть тот язык, который не потрогаешь. Вот ОН играет эти ноты, и у тебя либо сердце сжимается, либо сердце начинает улыбаться. Благодаря музыке актер становится музыкальным инструментом. В данный момент у тебя соло – мы все тебя поддерживаем. Мы создаем аккомпанемент тебе. Если затем соло у другого актера – мы создаем аккомпанемент ему. Может быть дуэт, потом может быть трио, потом, вообще, хор. Всё по этому принципу. И здесь легко можно свалиться либо просто в форму музыкальную, которая ничем не наполнена, это такие опасные зоны, либо постоянно быть во внимании, в напряжении. Как музыкант, когда он играет. На самом деле, музыкант – это камертон. Чем выше уровень музыканта, тем больше он во внимании. А если ты во внимании, то тебе и играть не надо ничего. Ты уже в самом процессе. Нет ничего интереснее, чем наблюдать за человеком, который что-то внимательно рассматривает. За ним можно часами смотреть.

Для меня откровение – ильхомовские музыканты. Наверное, благодаря вашим проектам – живая музыкальная озвучка фильмов, концерты Омнибуса, они настолько подготовлены. Подготовленные к участию, подготовленные к эксперименту. Обычно многие музыканты делают так: «Ой, я это не знаю, я привык

играть по нотам, дайте мне ноты, пиюпитр и я вот здесь поиграю». Как аккомпаниаторы. В данном случае, благодаря Артему Киму, они готовы к эксперименту. Им даже становится скучно просто сидеть играть. Хочется еще и еще»⁶³.

Музыка становится в спектакле проводником высшей идеи, своего рода *Lingua franca*, универсальным языком, понятным всем и объединяющим всех. Именно акцент на музыкальной стороне спектакля делает мультимедийную постановку, столь характерную для основного русла творческих поисков театра «Ильхом» цельной и единой. Синтез искусств современности осуществляется здесь под эгидой самого эмоционального из всех – музыки. Это и создает ощущение подлинности всех коллизий сюжета, ощущение достоверности и сопричастности, того, что иногда называют заразительностью искусства. Помноженное на искренность и самоотдачу исполнителей, выкладывающихся до всех возможных пределов, это захватывающее повествование служит лучшим подтверждением значимости поэзии Алишера Навои для современного поколения и её неразрывной связи с музыкальным искусством.

ТОШПЎЛАТОВА И.С.
анъанавий ижрочилик
кафедраси доценти

Алишер Навоий шеъриятида мусиқавийлик

Алишер Навоий жаҳон адабиётининг энг машҳур намоёндаларидан биридир. Унинг номи ҳамиша Ҳомер, Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Данте, В.Шекспир, Достоевский, Толстой, Тагор каби буюк мутафаккирлар қаторида эътироф этилади. Ҳазрат Навоийнинг барча дostonлари шеърий усулда ёзилган. Улардаги қахрамонлар муносабатларида инсоний кечинма, ҳиссиётлар тугёни ғоят таъсирчан ифодаланган.

Ҳазрат Навоий Шарқ шеъриятининг назариячиси бўлиши билан бирга Шарқ мумтоз мусиқасини юксак даражага кўтарган даҳо шоир эди. Унинг ижодида назария шеър амалиёти билан

⁶³ <http://www.ilkhom.com/russian/seven>

қоришиб кетганди. Шундан келиб чиқсак, Навоийнинг шеър фалсафаси ва мусиқа ҳақида билдирган фикрлари мумтоз шеър-риятда ўз аксини топган. Европада эса В.Шекспир ўзининг сонетлари билан дунёга машхур бўлган. Унинг сонетларида қувонч, шодлик, дард-ҳасрат устунлик килади.

Алишер Навоий ўзбек лирикасини янги поғоналарга кўтарган улуғ шоир форс-тожик лирикасига улкан хисса қўшган. Унинг шеърлари, ғазаллари озарбайжон, туркман, форс-тожик, турк ва қатор Европа давлатларининг шеър-риятида чуқур из қолдирган. Унинг кўпгина ғазаллари халқ куйлари мумтоз мақомларда, ижро қилиниб келинмоқда. Навоий лирикаси кент камровли ва жуда бой ниҳоятда ранг-барангдир. Унинг лирикаси севги ва дўстлик, ватан ва халққа муҳаббат, инсоф ва адолат, одоб, ахлоқ мавзуларига асослангандир.

Маълумки, XV аср форс-тожик адабиёти равнақи учун Навоийнинг ҳам хизматлари жуда катта бўлди. У вазир ва йирик давлат арбоби сифатида илм-фан, санъат ва адабиётга ҳомийлик қилди, жуда кўп ёшларга, жумладан, истеъдодли тожик шоири Аҳли Шерозий, тарихчи Хондамир, наққош Камолиддин Бехзод каби ўнлаб санъат, адабиёт аҳлини ўз қаноти остига олди.

Хусайн Бойқаро даврида турли мамлакатлардаги истеъдод эгалари Ҳиротда паноҳ ахтардилар. Бу даврда адабиёт, тарих, тасвирий санъат, табобат, мусиқа ва бошқа соҳалар ривожланиб кетди. Дунёдаги машхур шоир, олим, мусикачи, хаттот ва наққошлар шу замонда етишиб чиқдилар ва фаолият кўрсатганлар мусиқа санъати тарақиётида ҳам янги босқич бўлди. Бу даврда янги куй ва кўшиқлар чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига оид асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва ҳофизлар етишиб чиқдилар. Абдукодир Ной, Қулмуҳаммад Шайхий, Нажмиддин Кавкабий, Шоҳқули Ғижжакӣ, Устод Шодӣ, Хусайний шулар жумласидандир. Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий мусиқа соҳасида ижод қилаётган санъаткорларга ҳомийлик қилиши билан бир қаторда, ўзлари ҳам бир нечта куйлар ижод қилганлар.

Навоийнинг ғазалларида, шеърларида мусиқа билан умумий боғланишни кўриш мумкин. Назм бор жойда, албатта, наво ҳам бўлади. Аруз вазнидаги шеърларда бўғинларнинг узун ва қисқа келиши Шарқ шеър-риятида мусиқий усулларга яқин келади. Алишер Навоийнинг Шарқ мумтоз шеърлари ва мусикала-

рида борлик Аллоҳнинг биргина “Бўл” деган сўзидан яратилганини ҳақида айтилади. Унинг девонларида мусика ва шеърият ҳақидаги фалсафаси акс эттирилган. Аввал Аллоҳга ҳамд, муножот, Муҳаммад алайҳиссаломга наът айтилиб, саҳобалар, авлиёлар таъриф-тафсифланган.

Ҳазратнинг барча шеъру ғазалларини тинглаганимизда ундан оҳанг келиб чиқаётганлигини англаймиз. Мусикавийлик шеъриятда образларни эмоционал даражада экаплигини очиб беради. Ўтмишда Шарқда ижод қилиб ўтган алломаларимиз Форобий, Ибн Сино, Шерозий, Жомий Шарқ шеърияти билан мусикавий усул ўртасидаги узвий боғланишни ўзларининг мусикий рисолаларида акс эттирганлар.

“Бобурнома”да қайд этилган маълумотларда шундай дейилади: *“Алишербек назари йўқ киши эрди, туркий тил бирла то шеър айтибдурур. Ҳеч ким онча кўб ва хўб айтгон эмас, б маснавий китоб назм қилибдур “Хамса” жавобинда, яна бир “Мантиқ ут-тайр” вазнида “Лисон ут-тайр отлиқ, тўрт газалиёт девони тартиб қилибдур: “Ғаройиб ус-сигар”, “Бадойи ул- васат”, “Фавойид ул-кибар” отлиқ. Яна мусиқада яхши нималар боғлабдур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур. Аҳли фозил ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий, маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. Устоз Қулмуҳаммад Шайхий, Нойий ва Ҳусайн Удийким созда сароманд эдилар, бекнинг тарбият, тақвияти била мунча тараққий ва шуҳрат қилдилар”*.

Мусиқа бобида Навоийга тенг нақш қиладигани топилмаган. У бир қанча пешравлар битган. Шашмақомнинг мусиқалари Навоий ғазаллари билан байт этилган. А.Навоий ҳам соз чалган деган маълумотлар бор. Барча ижод этган мусиқачилар Ҳусайн Удий, устоз Қулмуҳаммад (ғижжак). Шайх Нойий (най) билан янги мусиқалар устида ишлаган А.Навоийнинг ғазаллари, авваломбор, халқ мусиқачилари томонидан енгил ижро қилинган. Шуни айтиш мумкинки, Шарқ шеъриятида муҳаммас – беш ва мусаддас – олти байтглилиги билан ғазаллардан фарқланган.

Мумтоз мусиқамиз мақомларининг мусикий оҳанглари Навоийнинг ғазаллари “Қаро кўзим” Ушшоқ оҳангида, “Сахар ховар...” ғазали Сафти баёт оҳангида ижро қилинган. Фарғона – Тошкент йўлларининг “Баёт II”, “Тулизорим”, “Ушшоқ”,

“Кўшчинор”, “Кўча боғи II”, “Ҳануз”, “Чоргоҳ III”лар Шашмақомнинг Бузрук мақомида, “Талқини Уззол”, “Насруллои”, “Насри Уззол” Рост мақомида, “Соқийномаи”, “Савти сабо”, Наво мақомидан “Талқини баёт” таронаси билан, “Насри баёт таронаси”, Дугоҳ мақомида “Сарахбори дугоҳ III” таронаси, “Насри чоргоҳ”, “Ҳусайни Дугоҳ”, Сегоҳ мақомида “Сарахбори сегоҳ”, “Наврўзи Ажам”, “Мўғулчаи сегоҳ” Навоий ғазаллари билан узвий боғлиқдир.

Алишер Навоий даҳоси унинг асарлар синовига бардош бериб келаётган, худди бугун ёзилгандай таассурот қолдирадиган ғазаллари ўзининг жозибадор шаклию, теран мазмуни хали кўплаб, ўзбек шоираларию, мусиқа шинавандаларини ўзига жалб этади.

АЗИМОВА Л.М.
старший преподаватель
кафедры общего курса фортепиано

Прелюдия и фуга «Памяти Алишера Навои» Г.Мушеля в фортепианном классе

Прелюдия и фуга № 8 с-moll, посвященная памяти Навои, является одним из самых вдохновенных сочинений композитора, на протяжении всей своей жизни испытывавшего огромный интерес к творчеству великого поэта. Данное сочинение – не первое обращение к теме Навои. Ещё к 1941 году Мушель написал Вторую симфонию, посвятив её памяти великого поэта и мыслителя. В цикле «24 прелюдии и фуги», завершённом в 1975 году Прелюдия и фуга № 8 представляет собой высокий образец малого полифонического цикла, характеризуя который, Т.Гафурбесков отметил: «Это, пожалуй, одно из самых глубоких, художественно убедительных произведений цикла (видимо, не случайно оно популярно и в варианте для органа)». ⁶⁴ Несомненно, что каждый пианист обязан изучать этот цикл, способствующий профессиональному развитию музыканта, обогащению его духовного мира.

⁶⁴ Гафурбесков Т. О народно-национальных истоках узбекской камерно-инструментальной музыки // Музыкальная культура Узбекской ССР. М., 1981. С.231.

Работу над Прелюдией и фугой №8 c-moll следует начать с общего ознакомления студента с фортепианным творчеством Г.Мушеля и его циклом «24 прелюдии и фуги». Для этого следует рекомендовать молодым пианистам изучить монографию Я.Пеккера о Мушеле и работу А.Вахидова «Стилистические особенности прелюдий и фуг Г.Мушеля». Затем необходимо прослушать цикл «24 прелюдии и фуги» в грамзаписи в исполнении автора (С.1006911-16. Ташкент: «Мелодия»), который был превосходным пианистом, получившим образование в Московской консерватории в классе Льва Оборина. После этого следует сконцентрировать внимание на Прелюдии и фуге № 8. В процессе освоения данного сочинения полезно время от времени обращаться к грамзаписи Г.Мушеля, исполнение которого является эталонным и вслушиваясь в детали исполнения, анализировать его исполнительскую интерпретацию.

Следующий этап работы над циклом – погружение в художественный мир сочинения и выявление образных ассоциаций с Навои, его эпохой, его творчеством. Для этого целесообразно предложить ученику ознакомиться с трудом З.Каримовой «Навои в музыке» (Ташкент, 1988) и разделом о Навои в IV главе «Из истории музыкальной педагогики» в учебном пособии Р.Кадырова (Ташкент, 2009). Непосредственную работу по освоению музыкального языка цикла полезно предварить беседой с учеником, в процессе которой педагог должен выявить насколько глубоко и основательно тот изучил рекомендованную литературу и изложил свои впечатления от прослушивания Прелюдии и фуги № 8 в грамзаписи в исполнении Г.Мушеля. Выяснив это, педагог может углубить знания студента собственным рассказом и комментариями к тем сведениям, которые почерпнул его питомец из научной и методической литературы.

Необходимо дать студенту ещё одно задание, связанное с изучением наследия Навои, ознакомиться с полным собранием его сочинений и выбрать из множества газелей несколько, связанных с музыкой, пением, музыкальными инструментами, а также найти в поэмах и трактатах Навои рассуждения о музыке, музыкантах и музыкальном искусстве, музыкальном исполнительстве. Полезно рекомендовать студентам ознакомиться с «Бабурнаме» («Записки Бабур»), в которых имеются очень интересные и ценные сведения о Навои. К этому можно добавить и

художественные сочинения о Навои, такие как роман «Алишер Навои» Айбека, «Книга признаний Навои» Иззата Султана.

Важно, чтобы студент осознал какую огромную роль играла музыка в жизни и творчестве Навои. Педагог должен подчеркнуть, что сам псевдоним Навои означает «мелодичность», что предки его были музыкантами. Так, дед Алишера по материнской линии Абусаид Чангий был музыкантом, имя которого уже свидетельствует об этом. Дядя Навои поэт Мухаммад Али, писавший под именем Гариби, был музыкантом, играл на многих инструментах, обладал прекрасным голосом⁶⁵. В своём уникальном труде «Собрание утонченных» Навои писал о нём: «Он хорошо играл на многих инструментах. Тембр и ритм ему хорошо удавались. Был он также осведомлён в теории музыки, превосходно знал каллиграфию»⁶⁶. Приёмный сын Мухаммада Али Шах Кули Гиджаки был известным в своё время исполнителем на гиджаке.

Навои учился музыке у известного музыканта и педагога того времени Ходжи Юсуфа Бурхана, о котором в своём «Собрании утонченных» сообщил: «Он хорошо знал музыкальное искусство, и я являюсь его учеником в этом деле. Большею частью он сочинял музыку на свои стихи. К одному из своих стихов он сочинил мелодию «Исфахан».⁶⁷ Навои очень высоко ценил музыкальную одарённость своего учителя, вспоминал о нём с благодарностью и посвятил ему следующие поэтические строки:

*Дорога музыки – русло моё,
Игра на сазе – ремесло моё,
Постиг я, музыку держа в руках,
Науку о ритмических кругах.
Я обучаю музыке людей,
Верней, учитель я учителей.*

Как глубоки и содержательны эти строки и как полезны они молодым музыкантам, вступающим в мир музыкального искусства. Какая духовная сила в них заключена и как благотворно она может повлиять на наших учеников. На материале данного цикла педагог может поставить и решить целый ряд воспита-

⁶⁵ Ганиева С. Дорога музыки - русло моё // Народное слово. 2011. 9 февраля

⁶⁶ Навои А. Собрание сочинений в 10 томах. Том IX. Т., 1970. С.54.

⁶⁷ Там же, с.47.

тельных задач, главная из которых – формирование гармонично развитой и духовно богатой личности. Предлагаемый нами подход освоения полифонического цикла даёт возможность наряду с чисто технологическими и музыкально-исполнительскими задачами решать успешно и задачу формирования личности человека. На основе данного метода и музыкальный язык цикла будет усваиваться учениками гораздо результативнее.

Работая над Прелюдией, важно обратить внимание на её жанровую основу – хорал, придающий музыке особую торжественность, величественность и возвышенность. Т.Гафурбеков характеризует Прелюдию следующим образом: «В Прелюдии-элегии явственно проступают черты величавой процессии траурного шествия, словно провожающего в последний путь бессмертного сына узбекского народа, поэта-гуманиста»⁶⁸. Скорбный характер музыки подчёркивает и строгость движения в Прелюдии, в которой проступают черты старинной сарабанды. «Особую изысканность придаёт мелодии использование пятой пониженной ступени в опевающих оборотах, предваряющих каденции»⁶⁹ – отмечает А.Вахидов. Трудность исполнения Прелюдии заключается в создании цельного музыкального образа возвышенного, строгого и величавого. При общей хорально-аккордовой гармонической структуре, важную роль играет и мелодическая линия, требующая тонкой интонационно гибкой выразительности, то, что Альберт Швейцер называет «декламационной динамикой». Черты декламационности, проявляющиеся в Прелюдии предвосхищают напряжённый драматический регитатив, которым открывается фуга. Очень важно показать динамику развития формы. Прелюдия имеет трёхчастное строение и в репризе мелодия слегка варьируется, что ученик должен ощутить и передать в своём исполнении.

В работе над фугой, следует обратить внимание на её своеобразие: трёхголосная фуга совмещена с речитативом, который занимает значительное место в формообразовании фуги. Введении в фугу речитатива связано с образом Навои и воспринимается как элемент поэтической речи, как слово поэта, несёт важную семантическую нагрузку. Фуга открывается ярким ораторским пафосом в глубоких басах речитатив в двухоктавном

⁶⁸ Гафурбеков Т. Цит. соч. С.231.

⁶⁹ Вахидов А. Стилистические особенности прелюдий и фуг Г.Мушеля. Т., 1982. С.24.

унисоне звучит как драматическое изречение, трижды провозглашённое. Тема фуги вырастает из начальных фраз речитатива в процессе полифонического развития достигая драматической силы выражения, мощной кульминации. В осуществлении кульминационной фазы развития выявляется сгущённая драматичность образа, то, что Л.Ройзман называет «дугой напряжения». Лако-ничная кода воздаёт ощущение завершённости эпического по-вествования о великой жизни великого человека.

Осмысливая исполнение цикла, построенного по принципу контраста прелюдии и фуги, очень важно выявить внутреннее родство и показать развитие музыкальной мысли в динамике об-щей драматургии. Музыкальный язык цикла национально поч-венен, связан с узбекским классическим мелосом, в нём можно обнаружить родство тематизма с мелодиями макома «Наво», в развитии музыкального материала также обнаруживаются связи с макомным формообразованием, а в общих чертах, органично сочетающиеся с некоторыми полифоническими приёмами, иду-щими от Шостаковича, на что указывает Т.Гафурбеков.⁷⁰

Таким образом, для раскрытия образного мира и пониямния музыкального языка Прелюдии и фуги № 8 до минор необ-ходима рациональная система его освоения, основанная на сое-динении таких подходов, как общегуманитарный и специаль-ный, исполнительский, исходящий из специфики усвоения сов-ременной полифонической музыки. Естественно, что это не единственные путь освоения данного полифонического ЦИК-ла, но весьма целесообразный и плодотворный, обогащающий художественное развитие будущего музыка.

ЗОКИРОВ А.Р.
мусиқий шарқшунослик
кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида «Ғино»

Ўзбек миллий мусиқамиз меросини мумтоз адабиётдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайти. Айникса, Шашмақом, Фарғона-Тошкент мақом йўлларидаги ашула намуналари боринки муси-

⁷⁰ Гафурбеков Т. Цит. соч., С.232.

қий меросимиз, мумтоз ўзбек шеърляти газаллари билан, хусусан, ҳазрат Алишер Навоийнинг ўлмас газалиёти билан уйғунлашиб кетганлиги ижро амалиётида ўзини намоён этиб келмоқда. Ҳазрат Навоийнинг қаламига мансуб газалларининг муסיкий талқини кишида ўзига хос муносабатни, яъни байтлар маъноларини фаҳмлашни, энг аввало, илм, ақл, идрок қолаверса, шунга хос ифода этишни талаб қилади. Мумтоз адабиёт намоёндаларининг ижодий меросини теран ва атрофлича ўрганиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаяётган эътибор ва қилинаётган саъйи ҳаракатлар таҳсинга лойикдир.

Илмий анжуманимиз Мир Алишер Навоийнинг хотирасига бағишлангани туфайли ва У зот хонандалик масалаларига алоҳида эътибор берганлари боис, биз буюк мутафаккир шоирнинг асарларида ғино, яъни ҳофизлик соҳаси ёритилишини тадқиқ этишга уриндик.

Ғина – арабча (غنا) сўз бўлиб шарқ мумтоз шеърлятида жуда кўп ишлатиладиган атамалардан биридир. Бу атама Алишер Навоий асарларида жуда чиройли ва ўринли жойларда ишлатилган. Ғина атамасининг шарқ кмумтоз шеърлятида ва муסיқа илмида англаган асосий маъноси *ашула, ашула айтиш* бўлиб, унинг ўзак ҳарфларидан ашула айтмоқ, куйламоқ, ашулачи каби сўзлар ҳам ҳосил бўлади. Ҳофизликни ўзида мужассам этувчи атамалар билан боғлиқ амалий жараёнларни Навоий томонидан зикр этилиши, илмий нуқтаи назарлар билан баён этилиши, касбга хос жиҳатлар билан эътироф этилиши ҳамда таърифланишини идроклашга ҳаракат қилдик.

Ғино масаласи ўтмишда яшаб ижод этган барча шоирларнинг адабий меросида, ўзига хос тарзда ифодасини топган. Ҳофизликнинг оддий айтим жиҳатларидан токи фалсафий маъноларини касб этувчилик даражасигача учтариш мумкин. Лекин Навоийнинг ижодида муסיқа илмига бўлган муносабати, ҳар бир атаманинг маънолар кесимида таърифини топиши алоҳида эътиборга лойик эканлигини эътироф этиш лозимдир.

*Чекти булбул кеби минг ила дoston ҳофиз,
Йўқ анингдек яна бу даврда хушхон ҳофиз.*

Ҳофиз булбул каби минг усулу лаҳн (куй) билан дoston чекди, куйлади, бундай хушхон ҳофиз бу даврда бошқа йўқ.

*Давр ўқир чоғда ажаб фитналар айлар изҳор,
Йўқ анингдек яна сарфитнаи даврон ҳофиз.*

У қироат қилиш пайтида атрофдагилар кўнглида ажиб фитна яъни рухий кўзғалиш зоҳир айлади. Ундан бошқа ғала-ғовур бошловчи даврон фитна боши йўқ. Яъни уни тинглаб ўтирганлар оҳанг таъсиридан даврани бошларига кўтариб, оҳ-воҳ қиладилар, бу фитнани бошлаган ахир ўша ҳофиз эмасми?

*Ҳофиз эткан кеби ҳақ лутфи ани Қуръонда,
Бўлдиқ анинг доғи ҳолида Қуръон ҳофиз.*

Худонинг лутфи марҳамати, Уни Қуръонни ёдлаб олувчи ва ҳифз (сақловчи) қилгани каби, биз ҳам уни тинглаб Қуръон ҳофизи ҳолида бўлиб қолдик.

*Жон олур наъмаси ул руҳ ғизоси бирла,
Халқ жонин қилур ўз базмида меҳмон ҳофиз.*

Ҳофизнинг жон олувчи наъмаси руҳларнинг ғизоси – озиғидир, шу халқ ўз базмида ҳофизни жони билан меҳмон қилади.

*Гар унинг жон олур ани деса бўлгайму дариг
Ким, фидо боштин аёгинга сенинг жон ҳофиз.*

Агар сенинг унинг (овозинг) жон олур бўлса, бошдин оёгинга жон фидо қилишни дариг тутиб бўладими?

*Сендадур наъмаи Довуд ила анфоси Масиҳ,
Бордурур йўқ эса давронда фаровон ҳофиз.*

Эй ҳофиз, сенда Довуд алайҳиссалом наъмаси билан Исо алайҳиссаломнинг нафаси бор, давримизда ҳофизлар кўп (даврон) бўлса ҳам сендек ҳофиз борми ёки йўқми билмайман.

*Эй Навоий, дема лаҳнига недин бўлдинг сайд,
Халқ сайдига қони уйла хуш алҳон ҳофиз.*

Эй Навоий, ҳофизнинг лаҳнига – куйлаш ва нафас олиш санъатига недин асир (сайд) бўлдинг дема, хуш алҳон (куйлар) ҳофизи халқни ўзига доим ҳудди шундай асир айлади.

Навоий охириги байтда лаҳнига сайд бўлиш ҳақида сўзлагани учун хуш алҳон сўзини қўллаган. Матълада хушхон яъни, хуш хониш қилувчи лафзи ишлатилган эди. Лаҳн сўзига сўз ўйини қилиш учун унинг кўпликдаги шакли бўлган алҳон лафзини қофияга танлаган. Бу ғазал ҳофизларнинг кишилар қалбига кан-

чалик катта рухий таъсир кўрсата олиши ҳақидаги асардир. Гарчи ҳофиз бу ерда Куръон ўқувчи ҳофиз ҳақида ёзган бўлсада, умуман, ҳар қандай матнни табиий овоз воситасида илоҳий кироъат этиш санъатидан ҳайратланишни сезиш мумкин. Бу ғазал Ҳиротнинг энг хуш алҳон ҳофизига атаб ёзилгани ва у шоирга таниш бўлганлиги, шубҳасиз Навоий истеъдодларни доимо кадрлаган, кадрлашни ўргатган. Мавзу эътибори билан бу ғазал яқпора ғазал ҳисобланади. Яъни бу ерда байтлар ҳофиз ва ҳофизлик ҳақида.

*Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шаҳанда тамбура чалиб, Навоий деса кўшук.*

Шуниси кўнгилга хуш ёқадикки, шоҳ ул ерда танбур чалса, Навоий кўшиқ айтса ой юзлилар арғуштак усулини кўллаб ерни тепиб-тепиб ўйин тушиб турса.

*Фигонки, турфа муғанний уни била хушмен,
Вале нетайки, юзига китоб эрур ҳойил.*

Муғанний уни овози билан хурсандман, аммо турфа-турфа фиғонки қилсам арзийдики юзини кўра олмайман, юзига китобни тутиб, тўсиб олган.

Навоий мусиқани жуда юксак даражада тушунган, чолғу созлардан кўпларини чала билган, ўзи шоҳона, дарвишона базм мажлисларда кўп иштирок этган. Базмда мутриб ва муғаннийларга юксак эҳтиром кўрсатган. Булар турли ғазалларида ўз аксини топган. Ҳофизлар Навоий ғазалларига куй боғлаб, шоир ҳузурида куйлашган.

Мухтасар қилиб, айтганда, Навоий ўз асарларида *гино* атамаси билан боғлиқ масалаларни амалиётда мавжуд барча соҳа хусусиятлари ва сифатларида очиб берганлигини қайд этиш жоиздир. *Хонанда, айтувчи, муғанний, ҳофиз* каби турли атамалар билан ҳофизлик санъатига тегишли омилларни кенг қўлайди. Фақатгина ҳофиз атамасини ўзи билан хонандалик, кироат билан ўқиш ва инсонларнинг эсда сақлаш жиҳатларини ёритиб берганлигига гувоҳ бўламиз. Унинг ижоди беҳисоб, атамаларга бой ва албатта, мазмун моҳиятан терандир.

Баҳрулла Лутфуллаев ижодида Алишер Навоий назми

Улуғ бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг бой мероси ўзининг теран мазмуни билан кенг жамоатчилик диққат марказида туриб, адиблар ва адабиёт-шунос олимлар, муסיқашунослар ва санъаткорлар томонидан мунтазам ўрганиб келинмоқда. Шоир сиймоси, унинг гўзалликка, муҳаббатга етакловчи ва фалсафий мушоҳадага чорловчи назми ижодкорларни янги-янги асарлар яратишга чорлайди.

Композиторлик ижодиётида Навоий назми алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг шеърларига композиторларимиз турли жанрларда ўзларининг сара асарларини яратиб, муסיқа жамоатчилиги ва шинавандалар эътиборини қозониб келишмоқда. Ўзининг энг яхши асарларида Навоий шеъриятига мурожаат этиб, назм ва наво уйғунлигини кенг намоён этиб берган композиторлардан бири Баҳрулла Лутфуллаевдир.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли композитор Баҳрулла Лутфуллаев ижодида Навоий ўзига хос ўрин тутади. Саъдулла Ҳаким сўзига солист ва халқ чолғулари ансамбли учун “Навоий” асари, Шашмақомнинг бешинчи мақоми – Дугоҳнинг “Сарахбори Дугоҳ ва тароналари” асосида хор учун 9 қисмли Концерт (Бобур, Навоий, Хувайдо, Нисбат ва халқ сўзлари), “Фирок” хор туркуми, “Рубоий”, “Ёр сендек”, “Куйдирма кўп” хор асарлари, “Вафо қилингиз”, “Фалак” романслари, “Кўриб дардим” ашуласи фикримизни тасдиқлайди. Мазкур мақолада Б.Лутфуллаевнинг “Фирок” хор *А капелла* туркуми, “Кўриб дардим” ашуласи, “Вафо қилингиз” ва “Фалак” романслари мисолида композитор ижодида Навоий назмининг ўрни ва аҳамияти хусусияда маълум хулосалар чиқаришни мақсад қилдик.

Б.Лутфуллаевнинг “Фирок” асари Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ёзилган бўлиб, хор учун яратилган оригинал мисоллардан бири ҳисобланади. Саккиз қисмли муסיқий туркумга Алишер Навоийнинг рубоийлари асос қилиб олинган. Асар яққа хонанда ва хор акапелла учун мўлжалланган

бўлиб, унинг драматургияси поғонама–поғона ривож толиб, ҳар бир қисмда маълум вазифаларни амалга оширади. Мусиқий композиция марказида аёл тимсоли туради. Унга бўлган интилиш, фироқ ҳажрида ёниш, ёр сиймосини умр баҳорига тенглаштириш, унинг борлигини мадҳ этиш каби ҳис-туйғулар туркум давомида тасвирлаб берилади. *А капелла* тизимида қўлланилган хор ҳар бир рубойнинг умумлаштирилган маъносини акс эттиради. Масалан, “Фироқ” рубойида шоир фироқ ҳажри кўнглига ҳам келтирганини, жонини минг хил дардларга гирифтор этганини, жисмини ҳижрон ўтида куйдириб, кулини кўкка совурганини айтиб нолийди, ҳам-андухга ботади. Ёр висолидан йироқлашган маҳбуб нима қилишини билмай, ҳайратда ўйланиб сукутга кетади.

*Юз меҳнату гам кўнглим еткурди фироқ,
Жонимга балою дард ўқин урди фироқ.
Жисмимни фано ўтига куйдирди фироқ,
Чун куйди кулини кўкка совурди фироқ.*

Иккинчи қисмда қўлланилган “Билмас эдим” рубойида юкоридаги тўртликнинг маъноси давом эттирилади. Унда шоир ҳижрон дарди ёмонлигини, айрилиқдан сўнггина буни англаб етганлигини куйлайди.

*Ҳижрон ситами ёмон эмиш билмас эдим,
Ҳар лаҳза висол шукрини қилмас эдим.
Гар билса ҳамки айрилиқ мунча эмиш,
Биллоҳки даме ёрдин айрилмас эдим.*

Учинчи қисм – “Қабоғинг яхши” рубойида шоирнинг кайфияти ўзгаради. У ёрнинг чиройини, бутун борлигини мактайди. Мажнун сийратига айланган тимсол наздида ҳамма нарса гўзал ва беғубор бўлиб кўринади.

Тўртинчи қисмдаги “Эй, умри азиз” рубойида ёр васли умр билан тенглаштирилади. барча учун азиз бўлган умрни макташ орқали шоир маҳбубасига нисбатан қанчалик меҳри кучлилигини кўрсатади.

Навбатдаги, “Маҳзун бўлодур” ва “Маскан этар” рубойларида ишқ нашидасини сурган инсон номидан сўзланади. Уларда ишқ-муҳаббат нафақат шахсга, балки Аллоҳга нисбатан куйланишини ҳам кузатамиз. Драматургик жихатдан мазкур рубойлар туркумнинг авжини ташкил этади.

Еттинчи қисмда “Гар ошиқ эрсанг” рубойиси кўлланилган бўлиб, у насиҳат тарзида берилган. Унда ошиқ қалб ёридан вафо кутиб ўтирмаслигини, висолига эришишдан умидини узишни, дийдорини бир бор кўрса ўшангаям шукр қилиши лозимлиги айтилади.

“Ёрим келодур” рубойиси туркумга хотима ясайди. Ушбу тўртлик ёр йўлида муштарак бўлган кўнгилнинг хурсандлигини намойиш этади. Севгилисини гулзорга, баҳор нафасига киёслайди. Унинг севги ўтида ёниб турган кўнглига ёрининг ташрифи жон киритишини айтади.

*Кўзим учадур магарки ёрим келодур,
Эс ҳар дам оғар магарки ёрим келодур.
Ё бодияи фироқ саройида қилиб,
Юз марҳала қат шоҳсуворим келодур.*

Рубойиларни мутолаа қилар эканмиз, улар мазмунан бири-бирига чамбарчас боғлиқлигини кузатамиз. Шу билан бирга тўртликларнинг кетма-кет жойланишида пухта ўйланган драматургик ҳаракат мавжудлигини ҳам таъкидлаш жоиз. “Фироқ” ва “Билмас эдим” рубойилари айрилик ҳолатини тасвирлаб берса, кейинги учта рубойиларда аёл тимсоли мадҳ этилади. “Маскан этар” ҳамда “Гар ошиқ эсанг” рубойилари насиҳат тарзида яратилган бўлса, охирги – “Ёрим келодур” рубойиси ёрнинг келишидан қувонган кўнгилни ифодалайди. Демак, рубойиларни яхлит туркумли мажмуа сифатида талқин этишга интилган Б.Лутфуллаев, мантиқий моҳиятдан келиб чикқан ҳолда айнан шу тартибда кетма-кет жойлаштирилган.

Туркумдан ўрин олган рубойилар композиторнинг муסיқий тилни танлашида, якка хонанда ва хор партияларини берилган тартибда жойлаштиришида муҳим ўрин тутати. Хусусан, биринчи қисм муסיқий мавзуси хор ва баритон солоси ижросида Янграйди, иккинчи – “Қабогинг яхши” қисми эркаклар хори томонидан ижро этилади. Учинчи қисмни эса аёллар хори куйлайди. Қолган бешта қисмнинг ижроси аралаш хор зиммасига юклатилган. Шу тариқа шеърий ва муסיқий матнларнинг драматургик ривожланиб бориши ижрочилар таркибининг босқичма-босқич кенгайиши билан ҳам кузатилади. Бу эса ўз навбатида драматургик гоининг янада мукамал кўринишини касб этишини таъминлайди.

“Фироқ” асарида адабий манба туркумнинг ҳар бир қисмида турлича ифодаланади. Айрим қисмларда рубойларнинг дастлабки кайфияти ва тимсоли мусиқани яратишга асос бўлади. Баъзи қисмларда эса мусиқий оҳанглар шеъриятнинг ҳар бир урғусини, ҳиссий бурилишларини акс эттиради. Яъни бу туркумли асарда “Назм ва наво” муаммоси кенг қамровда ёритиб берилади. Рубойлар мазмунан бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг кетма-кет жойланишида пухта ўйланган драматургик ҳаракат мавжуддир. Рубойларнинг маънавий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда композитор уларни айнан шу тартибда кетма-кет жойлаштиришга аҳд қилган.

Туркумли асарнинг драматургияси асосида қайғули кайфиятдан хурсандчиликка бўлган интилиш ҳаракати ётади. Асарнинг ўзига хос қирраларидан яна бири шундаки, барча қисмлар секин, вазмин суратларда талқин этилади. Хорга капеллада композитор гармоник ифодавий воситалар билан чекланиб қолмасдан, стретто, имитация каби полифоник унсурлардан ҳам кенг фойдаланади. Шулар қаторида чолғу тафаккурининг хусусиятларини овоз воситаси орқали ифодалаб берилиши ҳам ижодкорнинг унумли изланишлари қаторидандир.

Б.Лутфуллаевнинг “Кўриб дардим” ашуласи, “Вафо қилингиз” ва “Фалак” романслари негизида ҳам ёрга, инсониятга бўлган муножот ётади.

“Кўриб дардим” ашуласида шоир ёр васлини кўрмокни истаб севгилисига мурожаат этади, муҳаббатининг жавобсиз қолганлиги, ёрининг бефарқлигидан қийналаётганлигини куйлайди.

*Кўриб дардим тараххум қилмадинг ҳеч,
Тўкиб ашким табассум қилмадинг ҳеч.*

*Фироқнинг ўти ичра неча бор йиглаб,
Фигон чекдим тараххум қилмадинг ҳеч.*

Бундай ғамгин, мунгли мисралар мусиқий оҳангнинг вазмин, куйчан ҳолатини аниқлаб беради. Асар драматургиясининг ривожланиш услуби жанр хусусиятларига таянган ҳолда амалга оширган. Хусусан, ҳар бир жумла янги баландликда юқорига интилган ҳолда ҳаракатланиб, ашуланинг авж пардаларига йўналтиради. Бунга нафакат куйда юқори пардалар забт этилиши, балки тонал оғишма, жўровознинг бир овозли арпеджиоли баёндан аккордли тузилмаларга ўтиши, регистлар доирасининг кен-

гайиши, динамик кучайиш ҳам хизмат қилади. Кульминацион нуқтага етишгандан сўнг эса оҳанг яна аста-секин олдинги ҳолатига қайтган ҳолда ашулага яқун ясайди.

“Вафо қилингиз” романсида шоир инсониятга мурожаат қилади. Инсонларнинг бир-бирига вафодор бўлишини, дунёда қанчалик жафо ва ёмонлик бўлса барчасини фақат унга, яъни, шоирга раво кўришларини сўрайди.

*Дейман эй ҳўблар, вафо қилингиз,
Жавр ҳам қилсангиз менга қилингиз.*

*Ҳожатим қаддингиз хиромидир,
Кўпубон ҳожатим раво қилингиз.*

Ғазалнинг вазни, мазмун-моҳияти товушлар йўналишини, муסיқий оҳангнинг ривожини белгилаб беради. Вазмин характер, ўйловчан ҳолат бўғинларнинг узун чўзимларда ва бир нечта товушлар ҳамоҳанглигида янграшига замин яратади. Муסיқий фикр босқичма-босқич юқори пардаларга интилган ҳолда ўзининг авж пардаларини забт этиб, сўнгра яна олдинги ҳолатга қайтиш кузатилади. Ривожланиш тамойили шеърий матн мазмуни билан ҳам узвий боғлиқдир. Миллий хусусиятларни янада ёрқин намоён этиш мақсадида композитор жўрнавознинг бас овозини соқийча усули асосида йўналтиради.

“Фалак” романсида муҳаббат дардига мубтало бўлган қалбнинг фалакка мурожаати куйланади.

*Фалак еткурмаса ёнимга они,
Не гам чу чекмишам жонимга они?*

*Сабо ҳам лоладин қонлиг қафан қил,
Шу ёптинг жисми урёмга они.*

“Кўриб дардим”, “Вафо қилингиз” асарлари сингари мазкур романсда ҳам ашула жанрига хос босқичма-босқич ривожланиш тамойилини, муסיқий фикрнинг секин вазнда баён этилишини кузатамиз. Даромад, миёнхат, авж ва фурувард кўринишида шаклнинг талқин этилиши, айниқса, овоз партиясида яққол кўзга тапланади.

Фортениано партиясида эса композитор гомофон-гармоник баён этиш усули қаторида полифоник ривожланиш тамойилидан ҳам унумли фойдаланади. Юқори овозда октавали сакрама

ҳаракатга асосланган тоника орган пункти романс характерини кўрсатиб беришда аҳамиятли ўрин касб этади.

Б.Лутфуллаев вокал мусиқасини яратишда моҳир қалам устаси ҳисобланади. Кўриб чиққан асарлар мисолида шуни хулоса қилишимиз мумкинки, композиторнинг вокал ижодида, айниқса, мумтоз шеърят – Навоий назмига басталанган асарларида миллий, ўзбекона рух ҳукмронлик қилади, мусиқий оҳанглар шеърини матн мазмунини ёритиб беришда катта аҳамият касб этади. Хусусан, матнда берилган драматургик ривожланиш мусиқа ёрдамида янада мукаммал кўринишни касб этади. Мумтоз ғазалларни миллий руҳда ифодалаб бериш мақсадида композитор Европа баён этиш услуби анъаналарига таяниш каторида халқ ладларидан унумли фойдаланади, оҳангларда, жумладан, чолғу партиясида усул хусусиятларини киритади. Овоз партиясида кочирим ва нолалардан, полиритмикадан унумли фойдаланади, сўз ва жумлаларнинг охирини мантиқан англаган ҳолда узун чўзимларда ёки товушлар ҳамоҳанглигида тугатади, фикрнинг таъсирчан янграши йўлида оҳангларга муҳим ўрин ажратади.

Алишер Навоий назми кўп асрлардан буён туркий халқларнинг маънавий эҳтиёжини қондириб келмоқда. Юксак фалсафий ғоялар, абадий, сўнмас мавзулар билан суғорилган Навоий назми композиторларни миллий услубда ижод қилиш жараёнида самарали изланишларни олиб боришга ундамоқда.

МАМАЖОНОВ У.В.

мусиқий шарқшунослик

кафедраси ўқитувчиси

Китобхонлик анъаналарида Навоий назми

Китобхонлик анъаналари халқ ижодкорлигининг маҳсули бўлиб, у муқаддас сўзлар ўқилиши замирида қарор топди ҳамда кўп асрлар давомида аждодларимизнинг теран маънавияти, кенг дунёқараши ўлароқ шаклланди. Китобхонликнинг ривожланган даври Ўрта асрларга тўғри келади. Дарҳақиқат, махсус уюштирилган китобхонлик кечаларида яссавийхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик, бедилхонлик каби мажлислар ташкил этилгани бизга маълум. Бу хусусдаги фикр-мулоҳазаларни давом эттиришдан олдин китобхонлик иборасига қисқача бўлсада, тушунча бериб ўтиш лозим.

Китобхонлик деганда, асосан, диний мазмундаги ривоятхонлик, қиссахонлик, ғазалхонлик каби адабий-муסיкий жанрлар ҳамда улардаги насрий ва назмий баёнларни маълум оҳанглар асосида “ўқини” англашилади.

Китобхонлик анъаналарининг ғазалхонлик ёки шеърхонлик шакли – бу назмий асарни оҳанг билан ўқимокликдир. Ушбу анъана асосан тариқат аҳлларининг мажлисларида. аёллар ва эркаклар томонидан алоҳида-алоҳида ўтказилган турли диний маросимларда ижро қилинган. Унинг ижрочилари жанрнинг номланишидан келиб чиқиб, ғазалхон ёки шеърхон деб юритилган. Уларнинг ижро репертуаридан Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби сўфий шоирларнинг ижод намуналари ўрин олгандир. Халқ орасида ушбу шайхулмашойихлардан Ҳазрат Яссавий, шунингдек, Навоий, Бедил ва Машраб шеърятти алоҳида аҳамиятли бўлиб, ундан “яссавийхонлик”, “навоийхонлик” “бедилхонлик” ҳамда “машрабхонлик” анъаналари қарор топди.

Айнан Алишер Навоий ҳазратлари даврида китобхонликнинг ушбу шакли янада ривожланиб, унинг услубий асослари барқарор бўлган. Бунга Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Фугувватномаи султоний” номли рисоласидаги қуйдаги фикрлар асос бўла олади. Хусусан, Кошифий шеърхонлик (ғазалхонлик)-нинг олтига одоби борлигини таъкидлайди. Улардан биринчиси, шеърни оҳанг билан ўқимоклик, иккинчиси, сўзни эшитувчилар қалбига жойлаш, учинчиси – тушуниб мушкул бўлган байтлар мазмунини шарҳлаб, изоҳлаб бериш, тўртинчиси, эшитувчига малол келадиган иш қилмаслик, бешинчиси, гадойлик қилмаслик ва муболағали қасамлар ичмаслик, олтинчиси, ўқилган шеърнинг муаллифи номини тилга олиб дуо қилмоқликдир.⁷¹

Билдирилган фикрлардан аён бўлмоқдаки, шеърхонлик анъаналарида сўзни инсон қалбига етказишда оҳанг омили етакчи ҳисобланган. Китобхон ижрочиси (“ўқувчиси”), энг аввало, устоз тарбиясини олган бўлишлиги, адабий асарлар билан бирга муסיқа қоидаларидан ҳам яхши хабардор бўлишлиги – асосий талаблардан бўлган.

⁷¹ Ҳусайн Воиз Кошифий. Фугувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. Форс-тожик тилидан Н.Комилов таржимаси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. Б.81.

Навоийдан олдин ҳам Лутфий, Атоий, Саккокий каби шоирлар ғазал битган. Бироқ айнан Навоий туркий-ўзбек шеъриятида ғазал шаклини юксак чўққига олиб чиқди ҳамда унинг оҳангдорлигини бўрттирди. Бу эса ғазалхонликда шеър ва оҳанг уйғунлигига янада кенг имкон яратди.

Маълумки, Ҳазрат Навоий асарларининг аксарият қисми тасаввуф ғояларига асосланган бўлиб, унда илоҳий ишқ-муҳаббат фалсафаси илгари сурилган. Шунини айтиш керакки, тасаввуф таълимоти шеърхонлик, хусусан, ғазалхонлик қайта шаклланишига, “жонланишига” катта таъсир кўрсатган. Чунки ислом динидан олдин ҳам шеърлар (шу жумладан, мусиқий айтимлар) айтиш анъанаси мавжуд эди. Ислом дини пайдо бўлиши билан ушбу шеърлар маъно-мазмун жиҳатидан мақбул эмаслиги боис, улар маълум вақт ман этилган. Тасаввуф куйчиларининг хизматлари шундаки, улар қадимги (жоҳилият давридаги) анъаналарини ҳикматлар хазинаси билан англаган ҳолда уларни янги маъно ва мазмун билан суғориб, қайта жонлантирдилар. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, шеърининг ғазал шакли дастлаб араблар маданияти воситасида Ўрта Осиёга кириб келган. Араблардан ўзлаштирилган ушбу жанр кейинчалик шарқ шеърининг асосий турига айланган. Албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу жараёнда Навоийнинг ўрни беқиёсдир.

Китобхонлик анъаналарининг тарихидан келиб чиқиб, Навоийдан олдинги даврда ҳам назмий асарларни оҳангли қилиб ўқиш услуби қўлланиб келинганлигини айтиш жоиз. Хусусан, Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўқилиши замирида бу анъана қарор топди. Дарҳақиқат, “Ҳазрат Аҳмад Яссавий ислом дини ва унинг асосига қурилган тасаввуф таълимоти ғояларини туркий халқлар орасида кенг тарғиб этиб, уларни ўз ҳикматларида куйлаган.”⁷² Ҳикматлар халқ оғзаки ижодига яқин бўлган шеърининг тўртликлар шаклида ифодаланган:

*Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлгил,
Меҳнат тортиб ишқ йўлида содиқ бўлгил,
Нафсни тетиб даргоҳига лойиқ бўлгил,
Ишқсизларни ҳам жони йўқ, иймони йўқ.
Ишқ балоси бошқа тушса нолон қилур,
Ақлинг олиб, беҳуш қилиб ҳайрон қилур.*

⁷² Иброҳимов О.А. Ҳазрат Яссавий наволари.

*Кўнгил кўзи очилган сўнг гирён қилур,
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим mano.*⁷³

Бу каби ҳикматлар ўз шаклига мос, мазмунига ҳамоҳанг халқ айтими-оҳанглари билан тавсифланади. Ҳазрат Яссавийнинг ҳикматлари кейинчалик яссавийхонлик, навоийхонлик каби “хонлик”ларнинг вужудга келишида аҳамиятли “пойдевор” манба бўлган. Ҳикматлар асосан оғзаки услубда ижод этилган бўлсада, улар асосан мўътабар ёзма манблар – Куръони карим ва ҳадисларга таянган.

Ўзбек ғазалиётининг ривожланган даври Ҳазрат Навоий ижоди билан боғлиқдир. Ҳақиқатан ҳам ўзбек шеърлятида ҳеч ким ғазални Навоийдек “кўб ва хўб (яхши)” ёзган эмас”⁷⁴ – деб эътироф этилади. Шу билан бирга буюк шоир мусиқа соҳасида ҳам етук олим – забардаст мусикашунос, сермахсул бастакор ва созанда эканлиги манбалардан маълум. У ўзига замондош бўлган ижодкорларга шеърлятни мусикадан ва мусикани шеърлятдан ажратмасликни маслаҳат бериб, ўзи ҳам бунга амал қилган.

Дарҳақиқат, ғазални мусиқий оҳанг билан ижро этилиши унинг моҳиятини тўлалигича очиб беришга хизмат қилади ва ўйлашимизча, ғазални тингловчиларга етказишда бу энг мутаносиб услуб.

Навоийнинг назмий асарлари (асосан, ғазаллар) турли давраларда ўзига хос оҳангларда ижро этилган. Даҳо шоир асарларининг туб маъно ва мазмунини англаб етган ислом дини уламолари ёки илмли кишилар турли йиғинларда уларни панд-насихат, ўғит сифатида ўқиб, ижро этиб келмоқдалар.

Ҳазрати Навоийнинг ишқий-илоҳий мазмундаги назмий асарлари бевосита хонақоҳларда ва тариқат аҳлларининг давраларида бўлиб ўтадиган зикри самоъ маросимларида ҳам ўзига хос оҳанглар билан “ўқилган”(ижро этилган).

Бизга маълумки, тасаввуф кишиларининг зикри жаҳрия маросимларида рақсу самоъ мавжуд бўлган. Мажлис аҳллари хонанда ижросидаги ғазал оҳанги остида ўзига хос ҳаракатларни бажариб рақс тушганлар. Жумладан, бу хусусда XV асрда яшаган шайхул машойих Ҳазрати Башир ҳақидаги тарихий манбада қуйидаги жумла келтирилади: “Дарвеш Мусофир алайхирраҳма

⁷³ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

⁷⁴ Захириддин Мухаммад Бобир. Бобирнома. - Т.: Ўзфанакадашр, 1960. Б. 233.

айтадиларким, бир куни хонақоҳга Ҳазрати Шайхи Бузурукворнинг зиёратларига келдим, хонақоҳнинг деразасидан ичкарига қарасам Ҳазрати Шайхи Бузурукворнинг ўзлари рақсга тушубдурлар. Чунон шўхжадал рақс қилурларким, хонақонинг ҳамма буюмлари ҳам ҳаракатдадурлар... Дарвеш Умарий деган киши ғазалхонлик қилур эрди... Айтдиларким, ўшал замонда Дарвеш Умарий хонадалик қилур эрди ва бу кишидан ҳам бошка хонандалар бор эрди. Мисли Мавлоно Абдулладир ва Султон хонанда, пахлавон Асадуллоҳ, устод Муҳаммад Али Самарқандий хонақоҳда хизмат қилур эрдилар. Ийд кунлари ҳаммалари бир жойда бўлур эрдилар”.⁷⁵ Шу тарика зикр маросимларида ғазалхон ҳофизлар иштирок этганлар.

Композитор, этнограф ва мусиқашунос олим В.А.Успенский зикр маросимида ижро этилган ғазалларни биринчилардан бўлиб нота ёзувига туширган. У 1940-1941 йилларда Наманганлик ҳофиз Муҳаммаджон Дўсмұхамедов ижросидан ёзиб олиб, нотага туширган “Зикральные мелодии” (“Зикр ашулалари”) номли тадқиқотида Навоий ғазаллари билан ижро этилган бир нечта намунани келтириб ўтади⁷⁶. У информаторни маълумотларига таяниб, зикрда 10-12 киши доира шаклида жойлашиб, ашула айтиш билан бирга рақсга ўхшаш турли ҳаракатлар қилишларини айтиб ўтган. Шу билан бирга, В.А.Успенский ўз тадқиқотида Навоийнинг “Ки қилди ханжари ишқинг диёримдан қочиб кетсам” мисраси билан бошланувчи зикр маросимининг “Тарона як зарб” қисмида ижро этилган бир айтими келтирган. Ушбу намуна зикр маросимларига хос бўлган доира усули ўрнини босувчи, мажлис иштирокчиларини бир маромда ҳаракат қилишларига ёрдам берувчи “Ҳмма”⁷⁷ сўзига асосланган усул андозаси билан бошланади. Айтимнинг ушбу қисми маросим иштирокчилари томонидан ижро этилиб, айни Аллоҳ исмининг зикридир. Айтимнинг ҳофиз ижросидаги ғазал мисралари билан қуйланадиган қисми “ми” пардасига асосланган миксолидий ладининг бошланғич тўрт товуши (IV-III-II-I) оралиғида ривожланади. Ушбу айтимнинг оҳангида қуйилама ҳаракат яққол сезилиб, қуйнинг қадимий эканлигига ишора қилади. Хусусан, айтимда кенг

⁷⁵ Ҳазрати Башир тарихи. А.Чорясев таржимаси. Т., 1994. Б. 61-62.

⁷⁶ Успенский В.А. Катта ашула и зикральные мелодии. Т., 1940-1941. СИТИ кутубхонасидаги қўлёзма.

⁷⁷ Зикр айтимларида Аллоҳнинг исми “Хува” (арабчадан таржимаси – “У”), “Хув”, “Ҳак”, “Ҳа”, “Ҳм”, “Ҳмма” тарзида ишлатилган.

нафасли оҳанг ҳамда ашулаларга хос оҳанглар (“Эй ёрей”) ҳам ишлатилган.

В.А.Успенский нотага олган деярлик барча намуналарнинг негиз-оҳанг ҳаракати IV-III-II-I тарзидаги пардаларнинг қуйилама ҳаракатига асосланган. Уларни таърифлашда мақомдон олим О.Иброҳимов изоҳларидан фойдаланиш мумкин. Зеро, оҳангнинг бу йўсиндаги ҳаракатида “бирламчи тузилма” яъни, қадимий куй-оҳангларга хос қуйи оқим тамойили кузатилади. “...қуйи оқим қуйлари инсоният мусиқий тафаккурида узоқ вақт давомида ҳукм сурганлиги манбалардан маълум бўлмоқда⁷⁸”.

Юқоридаги таҳлил бўйича хулоса қилиб айтиш мумкинки, китобхонлик анъаналарининг ғазалхонлик шакли ўзбек мусика мероси намуналарининг тарихий илдизларини ўрганишда муҳим манба бўла олади. Айниқса, ашула ва мақом айтим йўлларининг ижрочилик хусусиятлари шаклланишида аҳамиятли бўлган кўринади. Зеро, Ҳазрати Навоийнинг ижоди билан тилимиз бойиди, фикр ва туйғулар теранлашди ҳамда энг муҳими, унинг назмий асарлари мусиқий оҳанг оламини янада кўп ютуқларга эришмоқлигига сабаб бўлди.

Миллий мусиқий қадриятларимиз саналмиш бу каби анъаналарни мусикашунослик нуқтаи назаридан ўрганиш масаласи ўзбек мусиқа илми олдида турган энг долзарб муаммолардан бирidir. Уларни теран англаш, унутилаёзганларини қайта тиклаш ва ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

МАТЁҚУБОВ Ш.Б.
анъанавий ижрочилик
кафедраси ўқитувчиси

Навоий назмида суворийлар

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг мақомлар ва мумтоз ашулаларга солиб ўкиладиган ғазалларидан кўпчилиги шинавандалар қалбидан чуқур жой олганлиги барчага маълум. Аммо суворийларга айтиладиган ғазаллари ҳақидаги маълумотлар нисбатан кам ёритилган. Навоий ҳазратлари ҳақида ҳурматли Пре-

⁷⁸ Иброҳимов О.А. Мақом ва макон. – Т., Мовароуннахр, 1996. 16-б..

зидентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай дейди: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султониدير”.⁷⁹ Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий ўзи муסיқий илмни яхши билиши, нафақат яхши билиши балки, бир қанча нақш, савт, кор ва амаллар басталаганлиги ҳатто таҳаллуси ҳам куй, наводан олишганлиги, унинг юксак даражадаги муסיқашунос эканлигидан далоятдир. Шу сабабли унинг ғазалларидан куй-оҳанг таралиб туриши бежиз эмас.

Суворийхонликнинг Алишер Навоий ғазаллари билан айтиладиган намуналарига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, бу жанрда асосий мақсад сўз айтмоқ бўлганлиги учун муҳаммаслар ҳам аниқ бир шоир ижодига мансуб бўлмоғи тақозо қилинган. Хонандалар нафақат овозларининг сифатлари балки мумтоз шеърининг мазмунидан тортиб, ҳар бир жабҳаларини билишлари мажбурий, шарт ҳисобланган. Кекса устозларнинг айтишича, шогирдлар маълум бир комолотга етганларидан сўнг дастлаб мақом ижроси билан шуғулланиб юриб, ана ундан кейин суворийлар айтишни бошлаганлар. Бундан кўриниб турибдики, суворийларнинг ижроси мақомлардан ҳам мураккаб эканлиги таъкидланмоқда.

Суворийлар Ўзбекистоннинг Хоразм воҳасига мансуб жанрлардан бири бўлиб, унинг қанчалик қадимий эканлигини Ислом динининг кириб келиши ва саъмо (эшитиш, тинглаш) билан боғлаш мумкин. Кўпчилик устозлар суворий сўзини отлик-чавандоз маънолари билан боғлиқ эканлигини ҳам айтишади.

Қадимда, Хоразмда отчилик жуда ривож топган. Хоразм отлари дунёнинг машхур, зотдор отлари қаторида саналган. Бунга мисол Хоразмда Ҳазорасп деган юртнинг борлиги, унинг қадимги туркий қабилалардан Ҳазор ва Ос уруғлари бирлашувидан ташкил топганлиги ва улар отлик жангчи элатлар эканлиги тўғрисида ривоятлар бор. Шунингдек, Ҳазорасп сўзи форсийда минг отлик деган маънони билдиришини ҳам мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Аллоҳ инсонга отни ёрдамчи, дўст қилиб ва улов воситаси сифатида юборганлиги улуғ бир неъматдир. Шунинг учун ҳам, муסיқа санъатида от билан боғлиқ ривоятлар ва асарлар жуда

⁷⁹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008. Б. 47.

кўп учрайди. Чунки, қадимда арабларда ҳам рақб-отлиқ ва рақбаъни чавандозлар ашула йўллари бўлганлиги фикримизнинг далилидир. Ўзимизда ҳам дoston кўшиқ ва куйлари ичида дотор, дўмбира ва бошқа чолғу созлари усулларининг от юришига монанд ўнг кўл зарбларини от туёғининг турли кадам ташлашига ўхшатиб яратилган куй ва кўшиқлардан Илғорлар ва Шо кўчдилар туркуми, дўмбира куйларидан От ҳайдаш, Бойчибор, козоқларда Қора жўрға, Озарбайжонларда От усти, Пошшо кўчди, Оврўпада Галоп, Наездник каби номлар билан аталиши фикримизнинг далилидир. Шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг оти Бурок, Ҳазрати Алининг оти Дулдул, Алпомишнинг Бойчибор, Гўрўглининг Ғирот, Жалолиддин Мангубердининг Қора дали каби отлари уларнинг ҳаётида катта аҳамият касб этганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли қадимда инсоннинг энг яқин йўлдоши, улови от ва чавандозлар номи билан боғлаб бу асарлар суворий деб рамзий маънода аталган бўлса ажаб эмас.

Суворийлар ўзининг, икки хонанданинг айтишуви ёки беллашуви, дийралишмалари билан ҳам машҳур бўлган. Маълумки, қадимда Хоразмда мақомларнинг йўлларини ўзгартириш ёки бузиш манъ қилинган, бу мусиқалар орқали хонандаларнинг беллашувларини уюштириш таъқиқланган. Суворий жанри эса ўзининг бадиҳагўйликка (импровизацияга) мойиллиги билан ҳам дийралишмалар уюштириш учун қулай бўлган. Айниқса, кенг давралар катта тўй ёки сайил байрамлари ўтказиладиган бўлса, бунда катта кўқон араванинг бир ғилдираги ўки билан чиқариб олиниб, ерга қазиб кўмилган ва юқорида қолган ғилдирагининг устига гилам ва кўрпачалар тўшалиб, хонандалар унга чиқиб ўтиришган. Бу ёғидан йигитлар ғилдиракни ҳофиз овози барча халойиққа тенг етиб бориши учун секин, бир маромда айлан-тириб туришган. Бундай “айланма сахна” давранинг икки бурчагига ўрнатилиб, қайси ҳофиз устун чиқса, давра ғолиб томонни ўраб олар, мағлуб эса даврадан ташқарида қолиб кетар экан. Ёки кенг даврага яхши эшитилиши учун катта дарвоза эшигини “тахтиравон” сифатида ясаб, устига ҳофизларни чиқариб тагидан йигитлар давра айлан-тириб кўтариб юришган. Дийралишма-айтишув мусобақаларининг энг юксак намуналари кўпчилик тўй ва сайиллардан ташқари Хивадаги Қаландархона, Боборис (Бобо ўрис) бува, Гўзли бува, Султон Увайс бува каби муқаддас жойларда юқоридаги тарзда ўтказилган. Бу дийралишмалар нафақат

халқ орасида балки хонлар даврасида ҳам ижро қилинган. Бунда хонандалар овозини барча сифатлари ва мухаммасларнинг кўп билишлигини намоён этади. Қайси бир хонанда чарчаса, овози юқори пардаларга етмай қолса, биладиган мухаммаслари тугаса ёки эсидан чиқса ютказган ҳисобланиб, беаёв жазоланган. Ғолиб хонанда эса юксак мукофотланган.

Ҳозирги кунга қадар суворийларнинг бешта асосий ва бир нечта атоқли хонандаларимиз томонидан басталанган кўринишлари мавжуд. Шулардан кўпчилиги Алишер Навоий ғазаллари ва мухаммасларига айтилган.

Катта суворий: суворийлар ичида энг йириги бўлганлиги ва барча суворийларнинг парда асослари бу суворийдан олинганлиги сабабли катта суворий дейилади. Устозларнинг таъкидлашларича, она суворий дастлаб форс-тожик мухаммасларида ҳам ижро этилган. Лекин Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси билан Комилжон Отаниёзов ва бошқа ҳофизлар ижро этган намунаси ҳозирги даврда ҳам машҳур:

*Кўнгул шод ўлди агёр улфатидин ижтиноб айлаб,
Менга меҳру вафоу раҳм-шафқат беҳисоб айлаб,
Бузилгон масканимни гулшан этмак иртикоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми суратидин гул уза хайдин гулоб айлаб.*

Айтишларича, суворийлар дастлаб умуман доира усулисиз ижро этилган, доира билан ижро услубини биринчи бўлиб, Ҳожихон Болтаев бошлаб берган экан. Хоразмда дийралишмаларда суворийлар даслаб якка дуторда ижро қилиниб, кейинчалик Ҳожихон устознинг тор сози билан ижро қилиб бошлаганларидан кейин доира чолғуси кўшилган. Маълумки, дутор сози мусиқани жаранглатиш билан бирга куй ритмини, яъни доира усулини ҳам зарбларида (дутор штрихларида) мужассамлаштирган. Тор созида усулини бериш имконияти чекланганлиги сабабли доира чолғусига муҳтожлик сезилган ва шу йўсинда ишлатилган.

Суворийларнинг ханглари баланд ва мураккаб бўлганлиги сабабли овоз ижроси учун ноқулайликлар келтириб чиқаради. Биринчидан, катта суворийнинг авж қисмини ижро қилиш учун хонандада етарлича овоз ишлатиш малакаси бўлмоғи лозим. Иккинчидан, юқори пардаларда ижро қилиш эшитилишидан

кўра мураккаброқдир. Чунки овозда юқори пардаларда бир марта авж олиш нисбатан қийинчилик туғдирмайди, лекин авжда овозни ўйнатиш, сўз талаффузини ямламай (чайналмай тўлиқ айтиш), бир хатни иккинчи хатга нафас олмасдан амалга ошириш овоз учун ноқулайдир. Учинчидан, юқори пардаларни чиранмасдан куйлаш зарур. Бу амаллар хонанда томонидан тўлиқ бажарилмаса, суворий маромига етмаган ҳисобланади.

Юқоридаги суворийлар асосида Комилжон Отаниёзов басталаган “*Олтинчи суворий*” мавжуд суворийлар услубидан андоза олинган бўлиб, кўпроқ халқ йўлидаги ашулаларга ўхшаб кетади. Бошланиш қисми мажор ладидаги пардагузукни (гаммани) эслатади. Суворий жанрларида чолғу муқаддимаси билан ғазал айтиладиган пардалар мажмуаси асоси бир хил бўлса-да, сўз бошқа пардадан ўзгача куй мотиви билан бошланади (муסיкий тил билан айтганда қонун сифатида эмас, балки рокохорд шаклида). Лекин олтинчи суворий бу қоидалардан бир оз ҳолидир. Бир оз деганимиз бошланиш чолғу муқаддимаси айтим йўли билан бир хил. Каденция, яъни лад ўзгарадиган учинчи бешлик (мухаммас)гача айтим йўли ўзгарса-да, куй йўли бир хил такрорланади. Пардалар алмашганда эса чолғу қисмлари бошқа суворийлардаги чолғу йўлини такрорлайди ҳамда авж ва фурувард қисмлари билан якун топади. Бу асарни Комилжон Отаниёзов айнан Навоий ғазалига Огаҳий мухаммаси билан:

*Фалакким яхишлар базмида, қадримни баланд этмас,
Даме йўғким ёмонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум тисанд этмас*

деб бошланадиган мухаммас учун яратган. Чунки бу суворийга ҳали ҳеч қайси суворийхон устоз бошқа мухаммасни қўйиб, ижро этишга журъат қилмаган. Бизнингча, бу суворийга бошқа мухаммас қўйилса ўз гўзаллигани ва мутаносиблигини йўкотлади.

Суворийларнинг савтлари ҳам мавжуд. Улар “Савти суворий” деб аталади. Савт сўзининг маъносини И.Ражабовнинг “Мақомлар масаласига доир” китобида шундай ёзилади: “Савт арабча сўз бўлиб, “оҳанг” ва “муסיқа товуши” маъноларида келади. Манбаларда келтирилган муסיқа истилоҳида унинг акс садо маъноси ҳам бор, яъни у тайёр бир куй ёки ашулага тақлид

килиниб, маълум бастакорлик коидалари асосида жавоб тариқасида яратиладиган мусиқий асардир.”

“Суворий сўз айтмоқ” деган эди устоз Бола бахши (Қурбонназар Абдуллаев). Бу санъат сўз орқали маълум бир эътиқодни, гоёни мафкурани тингловчиларга соз ва хушнафасли овоз воситасида етказиб беришдан иборат бўлганидан кейин, ғазал ва мухаммасларни ўзига хос ва мос мусиқага боғлашни такозо қилди. Мисол учун Алишер Навоийнинг куйидаги радифли ғазалига эътиборимизни қаратсак:

*Бир ой ўтди мани маҳзунда бир ой интизоринда,
Ки не кўнглум эрур ҳушинда, не ҳушим қароринда.*

Суворийлар муқаддас ва мўътабар ашулалар бўлиб, уларга фақат энг сара ғазалиёт намуналари ўқилади. Буюк бобқалонимиз Навоий назми эса бу мусиқий асарларни нафақат бойитади, балки уни юксак даражадаги умри боқий ашулалар сифатида халқимиз қалбидан абадий жой олишини таъминлайди.

KOMILIY SUVORIY ETMAS

Navoiy g'azali
Ogahiy muxammasi
K.Otaniyozov musiqasi

Salmoqli

Fa-lak kim, yax - shi-lar baz - mi-da qad - rim-

ni ba - land et - mas Da - mi yo'q - kim yo - mon - lar

muj - ma - yi - da mus - ta - mand et - mas

Уд чолғуси таърифи Алишер Навоий ижодида

Маълумки, уд чолғуси азал-азалдан мусиқа санъати тарихида муҳим ўрин тутиб келган. Айниқса, мусиқанинг назарий масалаларини тушунтириш ва ўрганишда чолғунинг торлари ҳамда парда тизимидан кенг фойдаланилган. Буни биз ўтмишда яшаб ўтган ва мусиқа илми билан шуғулланган алломалар томонидан битилган рисоалардан англаймиз. Унинг тарихига назар солсак, узоқ ўтмишга бориб тақалишини гувоҳи бўламиз. Асрлар муқаддам Барбат деб номланган мусиқий чолғу яратилган. Ўрдаксимон шаклга эга бўлган. Ушбу чолғу Хоразмий таржима қилган “Хисрав ва Ширин” (Низомий Ганжавий асари) достонидаги ашулачи, Сосоний ҳукмдори Хусрав Парвиз замонида яшаган таниқли созанда – Борбад томонидан яратилган ва унинг илк чолғучиларидан бири унинг ўзи бўлган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас эди. Аммо бизнинг замонимизга келиб шуниси маълум бўлдики, барбат Борбад замонидан анча аввалроқ мавжуд бўлган, Борбад эса уни моҳирона ижрочиларидан бўлган. Уднинг илк кўринишлари Айритом фриздан топилган эрамиздан олдинги асрларга доир ёдгорликларда ўз аксини топган. У асрлар давомида такомиллашган ва Форобий замонигача тўрт торли кўринишида амалиётда бўлиб, энг мукаммал чолғуга айланган.

Мусиқашуносликнинг чуқур илмий-назарий жиҳатларини ўрганган Форобий, Ибн Сино, Шерозий, Ҳусайний, Омулий ўз мусиқий рисоаларида мусиқанинг назарий масалаларини тушунтириш ва шарҳлаб бериш учун торли чолғуларни танлаганлар. Алломалар чолғунинг қулайлигини ва бунга ўша даврдаги етакчи ҳамда машҳур, кенг истеъмолда бўлган уд чолғуси танланганлигини қайд этиб ўтганлар. Бўёд (интервал), жинс (тетракорд, пентакорд), жамъ (товушқатор)нинг ҳосил бўлиш йўллари уднинг торлари ёрдамида аниқ кўрсатиб берилган.

Алишер Навоийнинг бсбаҳо ижодий меросида эса мусиқа илмининг руҳий олам билан боғлиқлиги, бир қатор чолғуларнинг, хусусан, уднинг овози, тембр хусусиятлари, кўриниши,

торлари хусусидаги бебаҳо маълумотларни унинг байтларида учратиш мумкин. Шоир биз яхши билган “Маҳбуб ул-кулуб” асаридаги мусиқий чолғуларнинг овоз тараннуми хусусиятларига баҳо берар экан, уд чолғусини “Чанг зорланувчи бўлса, уднинг нағмаси ундан ҳам ортик юракни эзувчидир”, дея таърифлайди. Баъзи ўринларда Навоий ўзининг юрак дардларини ифодалашда созанданинг кўлидаги уд чолғусидан бадий образ ёки дардли ҳолатни ўқувчига аниқ етказувчи восита сифатида фойдаланади ва ўз ҳолатини шоирона моҳирлик билан тасвирлайди. Дарҳақиқат, бунинг сабаби уд чолғусининг овозида бошқа созларда учрамайдиган мунг, нола борлигида ҳамда овоз тембрида бўлса ажаб эмас.

Навосидин фано чун ҳосил ўлди қилгасен, эй ишқ,

Навоий риштаи жонин муганний удининг тори.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 624-ғазал)

Мутриб, яъни чолғувчининг сози – удининг торлари Навоийнинг жону жисмидан яралгани учун ундан таралаётган наво – кую оҳангда бу фоний дунё ҳосил бўлди. Эй ишқ ахли, бундан огоҳ бўлингизки, қачонки созанда чолғусининг торларини чертганда, ундан таралаётган унга сизларни маст айлаб, барча нарса бу ёруғ дунёда фоний эканлигини англагач, демак, машшоқ чолғусининг торлари Навоийнинг жисми жони ришталаридандир.

Бу ерда Навоий бирламчи, уднинг торлари ўзининг жон риштаси – ипларидан яралгани учун ҳам ундан таралаётган оҳанг дардли эканлигини айтса, бошқа жиҳатдан, ана шу чолғу фано тўғрисида куйловчи соз эканлигини билдириш билан удни илоҳиёт билан боғлайди. Яна бир байтнинг контекстида бу ҳолат бошқача тусда, рангда кўрсатилади:

Майга оҳанг эт, Навоийким, муганний ҳар замон

Айш таҳрисин аён айлар лисони уд ила.

(“Наводир уш-шабоб”, 391-ғазал)

Эй Навоий, майга етишмоқликни ният қил, унга интил, чунки муганний ҳамма вақт уднинг тили билан турмуш-ҳаётнинг ҳисларини, яъни дунёнинг роҳати, лаззати нима эканлигини баён қилади. Янада тушунарлироқ қилиб айтганда, руҳият оламининг энг таскин топадиган ва бир умр унга етишиш учун интилиб яшайдигани Ҳақнинг васлига етмоқ ҳамда жаннат боғларида

сурур сурмоқ. Бунга элитадиган йўл эса, албатта, бу дунёда қилинган эзгу амаллар ва ибодатлардир. Юқоридаги байтдан англашиладики, Навоий уд чолғусининг тилида, айна ана шу лаззатни ифодаланганлигини баён этмоқда.

*...Уддек куймаклингим шарҳ эт лисони ҳол ила,
Нағмада удинг лисонин сеҳри пардоз айласанг.*

(“Наводир уш-шабоб”, 361-ғазал)

Шоир бу байтда уд сўзини икки хил маънода – ёнганда хушбўй ҳид таратувчи дарахт (мақомшунос И.Ражабов уд чолғусини ана шу дарахт ёғочидан ясалгани учун ҳам шундай номланган бўлиши мумкин, дейди ўз тадқиқотларида)⁸⁰ ҳамда мусиқий чолғу маъноларида келтиради.

*Сархуш таронагустар бўлмишсен, эй Навоий,
Соқий, сен эмди май тут, мутриб, сен эмди туз уд.*

(“Бадоеъ ул-васат”, 126-ғазал)

Навоий мастлигидан куй тарқатувчи, мусиқа улашувчи бўлди, эй май қуювчи энди шаробингдан сузавер, чолғучи, сен эса уд чолғусининг сеҳрли торларидан куйлар тарат. Бу байтда Навоий мусиқанинг илоҳий кучга эга эканлигини ёзиш баробарида уд чолғусининг ҳам илоҳиёт билан узвий боғлиқлигини яна такрор таъкидлаб ўтади.

*Бу дайр ичра навое, эй муғанний,
Навоий ноласидек зеру бам туз.*

(“Фавойид ул-кибар”, 202-ғазал)

Эй, муғанний бу бутхонадаги наволар ичида Навоийнинг ноласидек зер ва бам туз. Бу ерда зер ва бам торларидан янграйдиган нағмалар, товушлар назарда тутилган бўлиши эҳтимол. Лекин биз ўтмиш манбаларида (Форобий, Сафиуддин Урмавий ва ҳ.к.) бу торлар уд чолғусининг пастки - йўғон ва юқориги – баланд торларига берилган нисбат эканлигини қайд этилганлигига гувоҳ бўламиз. Навоийнинг ижодида уд чолғусининг торлари акс этган байтлар кўп учрашини айтиб ўтишимиз жоиздир.

Фикрларни мухтасар қилиб шуни айтиш мумкинки, уд чолғуси қадимда нафақат мусиқанинг назарий илмини тадқиқ этиш, тушунтириш ва шарҳлашда кенг қўлланилган мусиқий асбоб

⁸⁰ И.Ражабов. Мақомлар. Т.; “SAN’AT”, 2006. – Б. 53.

бўлган. Балки ўзининг мунгли, ёқимли ва сеҳрли сероҳанг таровати билан инсон руҳияти, идроки ва маънавияти омиллари билан туташ ва ифода этувчи сеҳрли созлардан бирига айланганлигини эътироф этиш лозимдир. Мақолада келтирилган беш байтнинг ўзида Навоий

- уд нағмаси қалбларни эзувчи оҳанг манбаи (“Маҳбуб ул-қулуб”);

- уд торларини жон ришталарига қиёсланиши;

- удни илоҳиёт билан боғланиши;

- уд инсонлар ҳасратини, туйғуларини, дилидаги барча эзгу ниятларини, лаззату роҳатини ошқора этадидан “тил”га қиёсланиши, яъни буларни барчасини уд тили билан ошқора қилиниши;

- уд – мусиқий чолғу;

- уд – хушбўй ҳид таратувчи дарахт;

- уд – илоҳий кучга эга чолғу эканлигини жуда оқилона баён этиб беради.

Уд чолғуси нафақат оддий соз ёки гўзал шаклдаги чолғу, балки илми мусиқийни идроклашдаги дастгоҳ, ҳаттоки мулоқотларнинг тили сифатида эътироф этилади. Навоий дарҳақиқат, буюк мусиқашуносдир.

ҲАМДАМОВА Н.

*мусиқий шарқшунослик
кафедраси аспиранти*

Алишер Навоий ва Хусрав Деҳлавий

Низомиддин Мир Алишер Навоий беназир шоир, шеърият мулкининг султони бўлиш билан бир каторда, мусиқа илми билимдони ҳамдир.

Маълумки, шоир ҳаёти давомида барча касб эгалари қаторида илгор мусиқа соҳасининг вакиллари билан ҳам мунтазам ижодий мулоқотлар ўтказар эди. Жумладан, бастакорлардан Хожа Абдуллоҳ Марварид, Пахлавон Муҳаммад, мусиқашунослардан Абдурахмон ва Муҳаммад Жомийлар, ўнлаб созандахонандалар билан мусиқа ижоди ва ижрочилиги, илми борасида суҳбатлар ўтказганлигини унинг ижодидан англаш мушкул эмас.

Алишер Навоий меросининг деярли барча катламларида яъни, “Хамса”, “Хазойин ул-маоний”, “Девони Фоний” ва бошқа асарларида мусиқий атамалар, тушунча ва иборалар мусикашунослик назари билан қўлланилган. Масалан, чолғулардан: даф, доира, арғанун, ногора, дўмбира, най, карнай, борбад, конун, танбур. Мусиқий атамалардан: тарона, суруд, пешрав, амал, қавл, савт, лаҳнсоз, муғанний, мутриб, алҳончи каби ибораларни унинг асарларида учратишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг маҳобатли “Хамса” асарига назар солар эканмиз, унда ҳам мусиқа илмини четлаб ўтмагалигига гувоҳ бўламиз. Маълумки, “Хамса” ёзиш нафақат Алишер Навоийнинг балки Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавийнинг ҳам бадий меросларида алоҳида ўрин эгаллаган. Илк бор Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сига Амир Хусрав Дехлавий жавобан, яъни, ўз кучини синаш мақсадида “Хамса” яратади. “Эрон адабиётшунос олими Воҳид Дастгардийнинг ёзишича, дунёдаги барча қўлёзма хазиналарни ўрганиб чиқиш имконияти бўлса, шак-шубҳасиз, турли шоирлар қаламига мансуб бўлган “Хамса”ларини топиш мумкин бўлар эди”.⁸¹

Шеърят мулкининг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий Амир Хусравнинг ишқини куйлашдаги маҳоратига, тилининг ширинлигига самимий чуқур лиризмга юқори баҳо берган, ғазалиёт оламида эришган улкан муваффақиятини катта ҳайрат билан эътироф этган эди.

“Алишер Навоий ва Абудурахмон Жомий Ҳирот адабий мактабига раҳнамолик килар экан, ижодий суҳбатлар вақтида Хусрав Дехлавий ижоди ҳақида сўз бўлганда, унинг адабий мероси ҳақида эҳтиром билан мулоҳаза юритганлар”⁸². Алишер Навоийни “Хамса” ёзишга илҳомлантирганлиги хусусида аниқ маълумотларни баён этган ҳам Низомий билан Хусрав Дехлавийнинг “Хамса”лари бўлди. Бу ҳақида у “Садди Искандарий” достонида ёзади:

*Бурундин чу кургуздингиз ёрлиқ,
Басе, етти сиздан мададкорлиқ.
Кичик эрканимдин бўлиб қошима,
Улуе мадад солдингиз бошима*⁸³

⁸¹ Шомухамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Дехлавий. Т., 1971. Б.53.

⁸² Ш. Шомухамедов, Б. Мусаев “Амир Хусрав Дехлавий” Т., 1971 4 б.

⁸³ А.Навоий. “Хамса” Т., 1960., 629-б.

Алишер Навоий “Хамса” достонини ёзар экан, у ҳар бир достонинг мукаддимасида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий ҳақида мадҳиялар ёзади ва уларни ҳақли равишда ўзининг улуғ устозлари деб билади. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонида Амир Хусравни мадҳ этиб ёзади.

Хусрав Дехлавийнинг ўз сўзига қараганда, “Хамса” асарини уч йилда Аллоуддин Хилжийга бағишлайди. “Хамса”га кирган достонлари қуйидагилар:

“Ҳашт беҳишт” – Амир Хусрав Дехлавий томонидан Низомийнинг «Ҳафт пайкар» (“Етти гўзал”)ига жавобан 1302 йили ёзилган.

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” ва Хусрав Дехлавийнинг “Ҳашт беҳишт” достонларини ҳам уйғунлик жиҳатлари жуда кўп. Ҳар иккала достонда ҳам муаллифлар турли мусиқий иборалар қўллаганлар. Лекин қайд этиш жоизки, Алишер Навоий асарларида мусиқий ибораларни кўп маънода ва турли жиҳатларини ғазалчилик негизида жуда моҳирлик билан қўллаган. Хусрав Дехлавий “Ҳашт беҳишт” достонида бу масала чегараланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Улар, асосан, Дилоромни моҳир созанда ва фозил деҳқон қиз атрофида тасвирлашида турли ҳунарлар ўргатишида қўлланилади. Масалан:

*Чун сун хеш хондашои ба сурӯд,
Пардаи хо соз кард ба рӯд.
Бар сари сабзаҳои миноранг
Нои чунг ишқ буду нағмаи чанг⁸⁴.*

Алишер Навоийнинг асарларида эса бундай байтларга бой ҳамда кўпмаънолилиқ ифодасини топганлигини учратамиз. Масалан:

*Манки ул шаҳр нағма сози эдим,
Базмлар достони равози эдим.
Ҳар куним лаҳна рӯд бирла ўтиб,
Ҳам маошим рӯд бирла ўтиб.
Чунки ул зоҳир этди рӯду сурӯд,
Осиёда мендин айлади тадрӯд.⁸⁵*

⁸⁴ Амир Хусрав Дехлавий. Осори Мунтахаб. Ҳашт беҳишт. Душунбе, 1972. Б. 268.

Хамсачилик талабларига амал қилган ҳолда Навоий ҳам ўз дostonларида анъанавий мавзуларга қўл урган. Аммо, бу анъанавий ҳикоят ва ривоятлар орқали ўз даври масала, муаммоларини ёритган. Дарҳақиқат, Навоий Низомий ва Хусрав Дехлавийлар томонидан ишланган Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Искандар мавзуларини қаламга олар экан, авваламбор, ўз замонаси ҳодисаларини, ўзига замондош шахслар муаммолари ва характерларини, жамиятга бўлган муносабатини ёритади.

Ҳар икки шоирларнинг адабий мероси буюқдир. Мусикий илмида ҳам ҳар томонлама моҳирлиги намоён. Лекин Хусрав Дехлавий муносабатларида кўпроқ мусикий жанр, асар ва чолғулар ижодиётига қаратилган бўлса, жумладан, тарона, қавл (жанр), сетор, табла (чолғу) ва бир қатор мусикий асарлар. Навоий ўз асарларида эса, мусиқанинг билимдони сифатида ўзини намоён этганлигини кўрамиз. Аждодларимизнинг бебаҳо меросларини илмий нуқтаи-назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда асраб-авайлаш биз ёшларнинг ҳам қарзимиз ва фарзимиздир.

С.ЖЎРАБЕКОВА
ЎзДК аспиранти

Георгий Мушель орган ижодида Ҳазрат Алишер Навоий сиймоси

Инсон умрининг боқийлиги у ҳақидаги хотираларнинг қай даражада бардавом эканлиги билан ўлчанади. Георгий Мушель вафотига неча ўн йилликлар ўтибдики, унинг асарлари ҳамон яшамокда. Айниқса, орган учун яратган асарлари доимий репертуарда бўлиб, бугунги кунда улар мумтоз асарлар саналмоқда. Эҳтимол, композитор яратган мусиқанинг мунтазам ижро этилиши сабабларидан бири, унинг улуғ ва абадий сиймолар хотираси билан боғлиқ эканлигидадир...

1936 йилда Москва консерваториясининг икки факультетини муваффақиятли якунлаб, илк бор Тошкентга келган Г.Мушель бетакрор юртнинг сержило оҳангларини, ажойиб манзарали жойларига мафтун бўлади. Шу тариқа композитор серқуёш ўлканинг миллий мусиқа санъати ривожини ва равнақини учун умр бўйи сер-

⁸⁵ Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. т. 10. Сабаъи сайёр. Т.: Фан, 1992. Б. 342.

махсул ижод қилди. “Доимий одат тусига кирган русча оҳанг, товушқаторларидан кескин фарқ қилувчи бу юртнинг ўзига хос ёрқин бўёқларга бой мусиқаси мени буткул ўзига ром этди”⁸⁶ – дея илк таассуротларини баён этади ёш композитор.

Қадимий маданиятнинг буюк олим ва мутафаккирлари ҳақида танишиш жараёнида Г.Мушель ўзбек мусиқасининг ритмик табиати, ладинтонацион ўзига хосликларини ўзлаштира бошлади. Бу борадаги билимдонлар – Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Домла Ҳалим Ибодов, Шораҳим Шоумаров, Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабийлар билан танишиши, шунингдек, В.Успенский, Н.Миронов, Е.Романовскаялар билан фаол учрашувлари ва мулоқотлари унинг касбий юксалиши ҳамда ажойиб асарларни бунёд этиши учун улкан ёрдам бўлди.

Ёши улуғ, чуқур билим ва малакага эга бўлган устоз санъаткорлар ижро этган куй ва ашулаларни синчковлик билан ўрганиб борар экан, Г.Мушель ўзи ҳам бу борадаги қобилияти ва бор салоҳиятини композиторлик амалиётида синаб кўрмоқчи бўлди. Бутун ижодий фаолиятига катта таъсир кўрсатган йирик мусиқачи, таниқли этнограф В.Успенский ёш композиторни шеърят мулкининг султони – Алишер Навоий ижодига кизиқтиради. Айни шу даврда В.Успенский Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони асосида мусиқали драмаси устида ишлаш жараёни эди. Мушелнинг юксак ижодий имкониятларини пайқаган Виктор Александрович уни ҳам мазкур мусиқали драмани ҳамкорликда яратишга жалб этади. “Фарҳод ва Ширин” 1936 йилда икки муаллиф ташаббуси билан муваффақиятли намоён этилиб, кўп йиллар мобайнида сахнадан тушмади.

Шаркнинг бетакрор мумтоз шеъряти хазинаси бўлмиш Навоий достонига мурожаат этишнинг ўзи Г.Мушель учун улкан масъулиятни юклади. Унинг устига йирик жанрда, яъни опера асарини яратиш каби мураккаб бўлган вазифани бажаришда В.Успенскийнинг катта ҳиссаси сабаб бўлди. Мазкур спектакль яратилиши жараёнида Мушель катта ижодий мактабни тамомлади ва асосийси, унинг тасаввурида Навоий тимсоли, унинг шеърлари бутун умрга ўчмас из қолдирди.

Бетакрор адибнинг сиймосига бағишлаб Г.Мушель яна бир йирик жанрдаги асарини яратди. Ватан урушининг бошланиш даври, яъни 1941 йил – буюк шоир таваллудининг 500 йиллиги

⁸⁶ Ян Пеккер. Георгий Мушель. М., 1966. Б.18.

эди. Ушбу санага бағишлаб Мушель ўзининг 2-фа минор симфониясини ёзди. Ҳазрат Навоийнинг салобатли сиймоси, фалсафий дунёқараши, орзуларга бой бўлган, аммо кўп ҳолларда фожиавий яқун топғувчи дostonларининг мазмуни Г.Мушель симфония мусикасида гавдалантирилган. Композиторнинг уруш йилларидаги хавотирли, ҳис-ҳаяжонга тўла кайфияти, улуғ шоирнинг фожиавий қисматли асарлари кайфияти билан туташиб кетгандек таассурот уйғотади. Симфониядаги ҳар бир қисм шоирнинг энг гўзал шеърӣ байтлари билан бошланади.

Мазкур симфониянинг яратилиш жараёни композиторнинг Навоий шеърӣяти мазмунига янада чуқурроқ кириш имконини берди. Опера ва симфония жанрларида тўпланган бой тажриба ва билимлар композиторнинг мазкур мавзуда яратган кичик шаклдаги орган мусикаси учун ҳам асқотди.

Ўрта Осиё мамлакатлари ичида биринчи марта орган чолғусининг Тошкентда қурилиб истеъмолга топширилиши, бу элда, нисбатан қисқа тарихга эга бўлган чолғу учун миллий услубда яратилган асарларнинг пайдо бўлишига замин яратди. Айтиш мумкинки, дастлабки 20 йил ичида Ўзбекистон композиторлари ичида ягона Мушель бу ноёб чолғу учун асарлар яратишга жазм этди. Ҳали Тошкентда чолғу қурилгунга қадар композитор орган ижро имкониятлари, полифоник шакл қонун-қоидалари, регистрлар танлаш воситалари, умуман, чолғунинг барча ички хусусиятларини пухта ўзлаштирган етук ижодкор даражасида эди.

Миллий жозиблага эга бўлган орган учун яратилган қатор асарлари орасида иккитаси Ҳазрат Навоийга бағишланган. Улардан бири виолончель ва орган учун ўзбек халқ мавзуларига “Кўшиқ – поэма” (1948) ва орган альбомининг биринчи асари “Навоий хотирасига” (1958) деб номланади.

Миллий тафаккурга йўналтирилган Мушель асарлари номлашининг ўзи ҳам мусиканинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. “Кўшиқ – поэма”ни яратишда Мушель Успенский тўплаган халқ мавзуларидан кенг фойдалангани ҳақида Г.В.Кузнецова ўз мақоласида айтиб ўтади.⁸⁷ Мусикий мазмун кублет шаклида ёритилган бўлиб, иқтибос қилиб олинган мавзу гармонизацияланган ҳолда ортиқча қайта ишланмасдан, фольклор ўзининг асосий хусусиятларини сақлаб қолган.

⁸⁷ Кузнецова Г.В. Органное творчество Г.А.Мушеля / Проблемы музыкальной науки Узбекистана. Т., 1973. С.212.

Мавзулар ривожда эмоционал-образли драматургияни яхлит ҳолга келтиришда поэма шакли жуда қўл келган. Асосий мавзуларни вариациялаш натижасида Мушель асардаги иқтибос қилиб олинган куй оҳанглари тингловчига яхшироқ сингдиришга уринган.

Поэма жанри асосида яратилган муаллифнинг бадиий ғояси асардаги оғир вазмин характер, тембр бўёқлари ва барча ифода воситалари билан умумий манзарасига кўра буюк шоир Алишер Навоий тимсолини тасвирлашга қаратилган.

Маълумки, миллий маданиятимизни акс эттирувчи ўзбекча муסיқий асарларимиз негизида лад ва усул асосий таянч ҳисобланади. Мушель бу хусусиятларни интуитив равишда идроклаб, ўзининг мутлоқ эшитиш қобилияти ёрдамида асарига сингдирган. Жумладан, “Қўшиқ – поэма”да ҳам ладотонал тарафлама лябемоль ионий-миксолидий ладбўёқлари параллель мажоро-минор билан контрастликни ҳосил қилади. Лекин муаллиф халқ муסיқасининг асл табиатидан келиб чиқиб, асардаги асосий мавзу куй лавҳаларидаги лад муҳитини сақлаб қолишга интилган.

Секунда бўйлаб авжга томон куй ҳаракатининг хотиржам ривожлантириш тамойиллари, кварталар аро сакрама ҳаракатлар, синкопали ритмик хусусиятлар, шунингдек, ўзбекона нолали оҳанглар поэмада моҳирона гармонизациялашган ҳолда муваффақиятли ифодасини топди.

Г.Мушель ижодида, хусусан, виолончель ва орган учун “Поэма”сида ҳам яқунловчи каданслар шакл ҳосил қилувчи улкан аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир каденцияси тантанали аккордлар жамланмасидан тузилган оригинал гармония билан кўтаринки руҳда яқунланади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Мушель ижоди орқали орган чолғусининг миллий оҳангларда ҳам жаранглаши мумкинлиги, салобатли чолғу буюк бобокалонларимизнинг образларини аниқ ифода этиб бера олишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Г.Мушель орган ижодида фуга жанри алоҳида аҳамиятга эга. У олий полифоник шакл сифатида композиторнинг бутун фалсафий интеллектуал фикрлашини юзага чиқаради. Мушель орган чолғуси учун, асосан, туркум шаклида ижод этган бўлиб, унинг таркибига кирган ҳар бир қисм пухта концепцияга асосланади ва умумий асар фуга билан яқунланади. Аммо “Орган учун альбом”

туркумини эса композитор фуга шаклидан бошдаиди. Мазкур фуга – “Навой хотирасига” деб номланади.

Европа музикий шакллари андозасида миллий тусдаги асарлар яратиш бобида Мушель полифоник шаклларни энг қулай ва силлиқ боғланувчи хусусиятларини пайқади. Миллий монодия-мизнинг асл табиати, унинг горизонтал ривожлов тамойиллари – полифоник шаклларда, хусусан, Мушель фугаларида ўзининг муваффақиятли ечимини топди.

Мушель ўзининг орган ижоди орқали юқори савияли полифония маданиятини пухта билиш – профессионал ижоднинг асосий негизи эканлигини исботлаб беришга эришди. Қолаверса, композитор ўз асарларида янгиликлар киритиш, турли экспериментлар ўтказишдан қўрқмади. Бу янгиликлар, авваламбор, полифоник шаклнинг ўзбек миллий музикасидаги ривожлантириш тамойиллари билан жуда ўхшаш томонларини пайкаганида ҳамда бу уйғунлик, айниқса, орган учун яратилган фугаларда ўз ифодасини топганлигида, десак муболаға бўлмас.

Чолғу музикасининг сўз ёки шеърият билан боғлиқ тарафи бўлмасада, айна сўзсиз музика Навой образини ифодалашда ижодкорнинг тасвирий фантазиясини кенг намоён этади. Буюк шоир образи юзлаб музикий асарларда ўз ифодасини топган бўлсада, орган учун яратилган асарлар ичида Г.Мушель илк бор бу мавзуга мурожаат этганлиги билан эътиборлидир.

ЖЎРАЕВА Л.Ш.
БМФ факультети
II босқич магистранти

Алишер Навой ижодида музикий чолғулар

Инсоният маданияти ва маънавиятининг ривожи ва унга хос бўлган омилларни англатувчи мезонлардан бири музикий чолғулар тимсолида ҳам ўз аксини топади. Зеро, музикий чолғулар халқнинг миллий кадриятлари, маданиятини инъикос этувчи во-сита сифатида қарор топган. Қолаверса, ҳар бир музикий чолғу тарихий ривожланиш давомида турли шароит ва маданий муҳитларда яралган бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда фалсафий маънолари мавжуд.

Навоий ҳазратлари ўзининг бой ижодий меросида чолғуларнинг илоҳий ва фалсафий жиҳатлардан келиб чиқиб ташбиҳлар, яъни ўхшатишлар асосида бадий талқин эгади ҳамда мусиканинг ўзига хос парда тизимларидан бохабар ҳолда ифодалайди ёки чолғунинг оҳанг хусусиятларига алоҳида таъриф беради.

Навоий ижодидаги айни чолғушунослик масаласи тўғрисида бир қатор фикрларни биз А.Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”⁸⁸ асариди, И.Ражабовнинг “Мақомлар”⁸⁹ монографиясида, С.Ғаниевнинг илмий мақолалари, Т.Ғофурбековнинг “Ҳазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури”⁹⁰, Б.Бафоевнинг “Навоий асарларида соз номлари”⁹¹ мақолаларида ўқишимиз мумкин.

Навоий асарларида замонасида истеъмолда бўлган ва ижро амалиётида кенг қўлланилган бир қатор чолғулар ранг-баранг тасвирини топган. Улар орасида бизга маълум ва маълум бўлмаган най, чанг, ғижжак, танбур, уд, рубоб, қўбуз, даф, чағона, руд, мусиқор, аёлғу, ногора каби чолғу номларини учратиш мумкин. Ушбу чолғуларнинг айримлари давр ривожини, янги чолғуларнинг замонга мос ҳолда такомиллаштириши замини ўзгаришларга учраган ёки истеъмолдан чиққан. Муҳими шундаки, Навоий ўз асарларида мусиқий чолғуларнинг шаклу шамойили, кўринишларидан токи ижро мезони, оҳанг тараннуми хусусиятигача фалсафий карашлар билан таърифлайди, ўз асарларида маънолар тизимида хос мукамал баён қилиб беради. Унинг мусиқий иборалар билан уйғунлашган ҳар бир сатрлари чуқур маъноли, мусиқий атамаларнинг асар ғояси билан қоришиб кетганлиги билан алоҳида ажралиб туради. У ўз ғазалларида қайси чолғуга мурожаат этмасин, албатта, чолғу табиати ҳар томонлама инъикосини топади. Жумладан, куйидаги байтда Навоий най чолғусини келтиради:

*Оташин май бирла, эй соқий, қизитқил базмни,
Мутрибо, ул ўтти тез этмакка ол оғзингга най.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 581)

⁸⁸ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан, 1993.

⁸⁹ Ражабов И. Мақомлар. – Т.: Санъат, 2006.

⁹⁰ Ғофурбеков Т. Ҳазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2002. 3 май.

⁹¹ Бафоев Б. Навоий асарларида соз номлари. // Ўзбекистон санъати. 1979. №9. Б.24.

Яъни, эй соқий оловдек май билан базмни жонлантир, мутриб, сен эса мана шу оташни тезроқ ёндириш учун лабингга найни ол.

Най чолғусининг илоҳий чолғу эканлиги тасаввуф ахлининг султони Жалолоддин Румий ижодларидан бизга маълум. Дарҳақиқат, юқоридаги байтда Навоий соқий деб устоз, пирга ишора қилган бўлса, унинг оловдек майи заминида илм (илоҳиёт)ни, базм деганда эса жамоат билан ўрганилаётган илм ёхуд қилинаётган ибодатни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

Ёки:

*Май ўтининг ламъаси ўртаб вужудим хирманин,
Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади.*

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 631)

Май ўтининг шуъласи ва равшанлиги вужудим хирмонини, танамни ўртаб юборди, унинг кулларини эса найнинг овози бир нафасда йўқ қилди.

Яна бошқа байтда най билан бирга карнай, ноғора – кўс чолғусини келтиради:

*Ною нафир унидин мағрур бўлма, эй шаҳ,
Ким, бу навони тузган кўси фано чолинтур.*

(“Наводир уш-бабоб”, 171)

Эй шоҳ, най ва карнай овозидан ғурурланиб кетма, бу куйни чалаётган бу дунёнинг фоний эканлигидан дарак берувчи ноғорасини чалмоқда.

Бу байтда, дамли чолғу ҳисобланган карнай ҳам илоҳий чолғу мисолида келтирилганлиги ҳамда у подшоҳлар ҳузурида жанг ва ғалаба белгиси сифатида ифодаланганлигини англаш мумкин. Яъни жангда ғалаба қозониб қайтган шоҳга чалинаётган карнай овози уни ўз зафаридан мағрурланишини эмас, асли бу дунё подшоҳлар учун ҳам фоний эканлигини эслатиш мақсади устун бу байтда. Куйидаги байтда эса Навоий кўс – ноғорани рихлат (узоқ сафарга чиқиш ёки ўлим) чолғуси эканлигини англатади.

*Соқиё, май тут, муганний навҳа оҳангини чол
Ким, сипоҳи умрум ўлмиш кўси рихлат чолгудек.*

Эй май куювчи, май тут, муганний мотам куйини чалки, умрим аскарни рихлат қилиш, яъни узоққа жўнаш ноғорасини чалгандай бўлди.

*Ич Навоий, қадаҳки тузди наво,
Базм аро уд ила рубоб яна.*

(“Наводир уш-шабоб”, 529)

Ёки

*Камдур, эй гулруҳ муғанний ҳусни савтинг жанбида,
Янги ой бирла қуёш жирмидин ўлса чангу даф.*

(“Наводир уш-шабоб”, 305)

байтларида уд, рубоб, чанг, даф чолғуларининг номлари ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Эй гулрозли муғанний, товушинг гўзаллиги ёнида янги ой ва қуёш жисмидан бўлган чанг ва дойра камлик қилади. Бу ерда Навоий муғаннийнинг овози даф ва чанг чолғуларидан гўзал ва майинроқ эканлигини айтиб, инсон овози энг мукаммал чолғу эканлигига ишора қилиш билан бирга дафни қуёшга, чангни янги чиққан ойга қиёслаш орқали чолғуларни кўринишлари ҳақида уларни табиатдаги мавжуд воситаларга менгзаб тасвирлайдики, бундан ўша чолғулар кўриниши хусусида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга Навоийнинг ижодида бундай яна юзлаб байтларни мутолаа қилиш мумкин.

Муסיкий чолғуларни Навоий асарларига ишланган миниатюра санъати орқали ҳам тасаввуримизни бойитишимиз мумкин. Жумладан, Камолиддин Беҳзод томонидан Навоий асарларига ишланган кўплаб миниатюралар тасвирларида асосан даф (дойра), най, уд ва чанг чолғулари ифодаланганлиги маълум бўлади. Миниатюралар аввалам бор бизга чолғуларнинг шакли хусусида маълумот берса, унинг ижро мезонида муҳит, ижорочилар ва тингловчилар хусусида ҳам тасаввур бериши бегумондир. Яъни бундан аён бўладики, Навоий даврида сарой муסיкасида бошқа созларга нисбатан чанг, даф, най, уд каби чолғулардан истеъмолда кенг фойдаланилган. Навоийнинг чолғушуносликка қўшган улкан хиссасини шоирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги созларга берилган аниқ таърифларсиз тасаввур этиш мушкул. Навоий мазкур асарда чолғуларнинг тараннуми, овоз хусусиятига алоҳида эътибор бериб, уни товуш сифатларини, тембр жиҳатлари ҳамда инсоннинг руҳий оламига таъсир кучи хусусида теран фикрлар баён этади.

Навоий асарларидан нафақат чолғуларнинг оҳанг хусусиятларини, балки шакли ва кўринишини ҳам тасаввур этиш мумкин.

Масалан, Дарвеш Али Чангий “чолғуларнинг келинчаги” дея таърифлаган чанг ҳақиқатдан Навоий асарларида худди келинчак эгилиб салом қилаётгандек қадди ёйсимон комат кўринишида тасвирланади. Бу арфасимон чанг эса бизнинг замондаги чангдан анча-мунча фарқ қилади.

Қадимий созлардан бўлган рубоб арабларда камонли чолғу, Ўрта Осиёда эса мизробли чолғулар туркумига курувчи асбоб эканлигини қайд этсак, И.Ражабовнинг “Навоий давридаги музика чолғуларини ўрганилишида қатор ноаниқликларга дуч келинади. Бу борада Навоий асарларида келтирилган фикр ва мулоҳазалар бизга катта ёрдам беради” деган фикри ўз кучини сақлаб қолади. Демак, ҳали чолғушуносликда олиб борилиши зарур бўлган изланишлар талайгина. Хулоса қилиб айтганда, Навоий даври чолғуларини, умуман, ўша давр маданий-музикавий муҳитини тасаввур этишда ва ўрганишда шоир асарларидаги атамалар, хусусан, соз номлари ва уларга берилган таърифлар ҳамда Навоий асарларига чизилган миниатюралар бебаҳо фактик манба бўлиб хизмат қилади. Чунки, Навоий ўз таърифларида чолғуларнинг барча хусусиятларини, жумладан, тузилиши, овози, руҳиятга таъсири, ўша даврдаги истеъмол даражаси, чолғунинг қисмлари ва умуман, музикани илҳом манбаи эканлигини музикашунослик нуқтаи назаридан талқин этади.

МУНДАРИЖА

Нашрга тайёрловчидан.....	3
<i>Орипов З.Т.</i> Манбаларда Навоий наволари	6
<i>Мансурова Г.Х., Фармонова Б.А.</i> Дороже всех богатств, тебе дана Бесценная жемчужина одна.....	11
<i>Галущенко И.Г.</i> Алишер Навои в трудах В.Жирмунского и Н.Конрада	14
<i>Шарипова А.Р.</i> Поэтика Алишера Навои в инструментальном творчестве М.Бафоева	18
<i>Амбарцумова Г.С.</i> Романсы на стихи Алишера Навои	22
<i>Имамов У.З.</i> Симфонические произведения, посвящённые памяти Алишера Навои.....	27
<i>Саипова Д.Ю.</i> Ўзбек мақомларида Ҳазрат Навоий ғазаллари	32 ✓
<i>Намазова Ш.А.</i> Философский гений Навои.....	42
<i>Ганиханова Ш.Ш.</i> О роли музыкального материала в фильме К. Ярматова «Алишер Навои».....	46
<i>Ганиева Л.М.</i> К вопросу применения поэзии Алишера Навои в фортепианной педагогике.....	49
<i>Қурбонова Г.А.</i> Мир Алишер Навоий асарларининг мусиқа санъатига алоқадорлиги ва маънавий-ахлоқий қарашлари.....	53 ✓
<i>Бударина А.Г.</i> О роли музыки в спектакле «Семь лун» театра «Ильхом»	56
<i>Тошнўлатова И.С.</i> Алишер Навоий шеъриятида мусикавийлик.....	63
<i>Азимова Л.М.</i> Прелюдия и fuga «Памяти А.Навои» Г.Мушеля в фортепианном классе	66
<i>Зокиров А.Р.</i> Ҳазрат Алишер Навоий асарларида «Ғино»	70
<i>Набиева М.</i> Баҳрулла Лутфуллаев ижодида Алишер Навоий назми.....	74
<i>Мамажонов У.В.</i> Китобхонлик анъаналарида Навоий назми.....	779
<i>Матёқубов Ш.Б.</i> Алишер Навоий назмида суворийлар.....	84
<i>Жўраев А.</i> Уд чолғуси таърифи Алишер Навоий ижодида	90
<i>Ҳамдамова Н.</i> Алишер Навоий ва Хусрав Дехлавий	93 ✓
<i>Жўрабекова С.</i> Георгий Мушель орган ижодида Ҳазрат Алишер Навоий сиймоси.....	96
<i>Жўраева Л.Ш.</i> Алишер Навоий ижодида мусиқий чолғулар.....	100 ✓

85.31(5Ў)

H14

“Навой ва мусиқа” Ўзбекистон Республикаси илмий конференцияси (феврал; 2011.; Тошкент).

“Навой ва мусиқа” мавзуидаги илмий конференция материаллари / “Навой ва мусиқа” Ўзбекистон Республикаси илмий конференцияси (18 феврал; 2011 й.; Тошкент), Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, мусиқий шарқшунослик кафедраси; тузувчи А.Р.Зокиров; масъул муҳаррирлар: З.Т.Орипов, И.Г.Голущенко. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – 108 б. – Тит. в. Ва матн парал. ўзбек ва рус тилларида.

УДК: 78: 821.512.133(092) Навой
ББК 85.31(5Ў)+84(5Ў)1

ISBN 978-9943-398-48-1

Илмий-адабий нашр


Нашриёт муҳаррири: Файзи Шохисмоил
Мусахҳиҳа: Камола Болтабосва
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008
Теришга берилди: 21.10.2011
Босишга рухсат этилди 07.12.2011
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 6,0
Шартли босма тобоғи 6,75. Адади 100
Баҳоси келишилган нарҳда

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Павоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20



ISBN 978 9943-398-48-1



9789943 398481

